# Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 231 (21. 097) 1991 йил 29 ноябрь, жума

Баҳоси 8 тийин.


• Шу сонга телеграммалар

## ИШОНЧ

**Республика меҳнаткашлари И. А. Каримовнинг номзоди Ўзбекистон Президентлигига кўрсатилганлигини қизғин маъқулламоқдалар. Рўзномамизга келаётган кўпдан-кўп телеграммалар ва хатларда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар жамоалари 29 декабрда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Абдуғаниевич Каримов учун ўз овозларини беришларини маълум қилганлар. Қуйида кеча олинган телеграммалардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

— Кейинги йилларда республика ёшлари турмушини яхшилаш учун бирмунча ижобий ишлар қилинди. Ёшлар ҳақидаги давлат сиёсати қонуни ҳам ана шулар жумласидан. Бу ишларда И. А. Каримовнинг хизмати катта, — деб қайд этилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти қўмитаси бюроси юборган телеграммада. — Биз ёшларни сайлов куни ўз овозларини И. А. Каримов номзоди учун беришга даъват этамиз.

Самарқанддаги «Красний двигатель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ижара корхонаси жамоаси меҳнаткашлари ўз йиғилишида Ўзбекистон Президентлигига И. А. Каримов номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Жамоамиз барча аъзолари, деб таъкидлайди корхона бош директори А. Тўхтамуродов юборган телеграммасида, республикамиз барча фуқароларини И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чиқарадилар.

Шу мазмундаги яна бир телеграмма Самарқанд марказий универсал магазини жамоасидан ҳам олинди. Қибрай район уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ж. Хоназаров рўзномага юборган телеграммасида шундай деб ёзади: «Биз, қибрайликлар Ислом Абдуғаниевич номзоди республика Президентлигига кўрсатилганлиги билан уни чин қалбдан қутлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз».

Шундай мазмундаги телеграммалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Киров район кенгаши, Сирдарё «Сельхозтехника» жамоаси, Бахт шаҳридаги пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчилари, Андижон вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси, Қўрғонтепа районидаги Хонобод давлат хўжалиги жамоаси, Бахмал районидаги 32-автокорхона, Қашқадарё вилояти «Билим» жамияти ва бошқа жамоалардан ҳам олинди.

*29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни*

## БАРҚАРОРЛИК

**Шу йилнинг ўн ойи ичида 100 миллион 610 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, ишлаб чиқариш топшириқларини ошириб бажарган Фахриддин Хўжаев номидаги 1-пойабзал фабрикаси жамоасининг меҳнат ва турмуш шароити яхшиланиш сари юз тутмоқда.**

Корхона ишлаб чиқаришдан олинаётган умумий даромаддан ишчи ва хизматчиларнинг овқатланиши ва транспорт ҳақи учун 500 минг сўм ажратди. Пойабзалчилар фарзандлари тарбияланаётган болалар боғчасида овқатланишни яхшилаш учун 150 минг сўм сарфланди. Бундан ташқари болалар оромгоҳи жойлашган Бўстонлиқдаги Сойлиқ қишлоғининг ободончилиги учун 100 минг сўм ажратилди.

Корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш учун ҳар бир ишчига қилинаётган ғамхўрлик ой сайин яхшиланиб бормоқда. Шу йилнинг бошида ўрта ҳисобда ҳар бир ишчининг меҳнат ҳақи 246 сўм ҳисобланган бўлса, бу рақам шу кунларга келиб 465 сўмга етди. Товон пули 100 сўм қилиб белгиланди. Яқиндагина ишчиларга муддатидан илгари 14 — маош 460 минг сўм миқдорида пул тарқатилди. Декабрь ойининг бошларида яна бир янгилик юз бериши кутилмоқда. У республика корхоналари бўйича биринчи марта жорий этилаётган 15-маошдир.

Пойабзал фабрикасида меҳнатчиларга қилинаётган бундай ғамхўрликлар уларни эртанги кун сари умид ва ишонч билан одим ташлашга ундамоқда. Шунинг учун ҳам корхонада мустақил Ўзбекистон ҳаётида биринчи марта ўтказиладиган Президент сайловини муҳокама қилиш қизғин боряпти. Ҳар бир участка ва цехда бу лавозимга муносиб номзод Ислом Каримовнинг ўз фаолияти даврида амалга оширган талай ибратли ишлари самимий муҳокама қилинмоқда.

Куни кеча корхона ишчи ва хизматчиларининг бўлиб ўтган умумий йиғилишида ҳам республика Президентлигига бўладиган сайловларни якдиллик билан ўтказиш ва унга кўрсатилган муносиб номзод Ислом Каримов учун аҳиллик билан овоз беришга даъват этувчи оташин сўзлар янгради. Йиғилишда корхона мутахассислари ва ишчиларидан Ҳалима Турғунова, Муҳаммад Сиддиқов, Абдураззоқ Абдуғаффоров, Адҳам Охунов, Анвар Ҳайдаров ва корхона бош директори Абдулла Тўлаганов сўзладилар. Улар ҳозирги қийин иқтисодий вазият кечаётган бир пайтда биринчи навбатда корхонада ишлаб чиқаришни бир маромда йўлга қўйиш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган талабини қондириш борасида янада ғайрат билан меҳнат қилишлари лозимлиги ҳақида гапирдилар. Улар 29 декабрь куни бўладиган умумхалқ сайловида фаол қатнашишга аҳд қилдилар.

**А. ПЎЛАТОВ.**

## КАМАРБАСТАМИЗ

Маҳалланинг данғиллама клуби... Фаоллар ва фахрийлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мактуб йўллаш тилагида бу ерга жамуллашдик бўлишди. Хат қисқа мазмунда бўлди. Маҳалла аҳлининг миннатдорчилиги оддий сатрларда баён этилди:

«Ўзи деҳқон бўлатуриб, бир парча ерга эга бўлмаган қишлоқ меҳнаткашига текинга ер бериш, шаҳар халқини баҳоли қудрат бошпанали этиш соҳасида кейинги йилларда биронта раҳбар қўл урмаган ишларни амалга оширишга жонбозлик билан бошчилик қиляпсиз, қишлоқ халқини тоза ичимлик сув билан, ёқилғи ва газ билан таъминлаш, кўп болали оилаларга, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш юзасидан қанчадан-қанча иш олиб боряпсиз. Жумҳуриятимиздаги кўп миллатли халқни тинч-тотув яшаши, ҳаёти фаровон бўлиши соҳасида тинимсиз курашяпсиз. Сизнинг саъйи ҳаракатингиз билан ниҳоят Ўзбекистон Республикаси мустақиллик сари дадил қадам босди...».

«Бутун маҳалланинг мўйсафидлари ва аҳли мўминлари беш вақт номозда ҳам Сиз ҳақингизда доимо дуода бўламиз, иншоолло президентлик сизга насиб бўлгай, соғу-саломат бўлинг!».

...Шу йил 29 декабрь куни республика Президенти сайлови кунида Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга барча фуқароларни даъват этишга бағишланган маърака шу зайлда бошланди, Бунда Президентликка номзоди қўйилган кишининг ажойиб фазилатлари, марду-майдонлиги, халқпарварлиги каби фазилатлари бирма-бир тилга олинди.

Йиғилишдан сўнг мухбиримиз маҳалла аҳли билан қизғин суҳбатда бўлди.

— Республикада амалга оширилаётган барча тадбирларда президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳиссаси жуда катта эканлигини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз, — дейди маҳалла қўмитаси раиси Яҳё Иброҳимов, — аввало унинг аниқ ҳаракат дастури бор. Бу дастурни амалга оширишда биз унга чинакам амалий ёрдам беришимиз керак. Ҳозирги мураккаб шароитдан чиқиш мақсадида у эл-элатлар ҳамкорлигини, халқлар ўртасида тотувликни авж олдириш, жипсликни тобора мустаҳкамлаш лозимлигини такрор-такрор тилга олмоқда. Тўғри-да, аҳилликка нима етсин. Мушкулларимиз осон, ҳожатларимиз равон бўлиши учун ҳамиша ҳамжиҳатлик керак. Буни бирор дақиқа ҳам унутмаслигимиз даркор.

Кекса педагог Йўлдош Абдуллаев суҳбатда шундай дейди:

— Сайловда мен албатта Ислом Каримов учун овоз бераман. Унинг айниқса, инсонпарварлиги менга жуда ёқади. Ўзбекистон халқининг қўлига мустақиллик байроғини топширишда ҳам унинг саъйи-ҳаракатлари нечоғли қутлуғ бўлганлигини айтмаслик мумкин эмас. Пенсионерларга, кўп болали оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳақидаги фармонларини ва қанчадан-қанча зарур тадбирларни айтмайсизми. Бундай ишларни фақат иймон-эътиқоди бардам, элини севган, юртини ардоқлаган инсонгина қила олиши мумкин.

Бундай фикрларни маҳалланинг деярли ҳамма ёшу қарилари, аёлу қизлари якдиллик билан тасдиқламоқдалар.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Мевазор маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига айнан шундай руҳда қизғин ҳозирлик кўриляпти. Маҳалла аҳли сайлов куни бир тан, бир жон бўлиб, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш учун якдиллик билан овоз беришга шай.

**С. ҲАМИДОВ.**

## ХОРАЗМДА БИР КУН

*Суратли лавҳа*

**Айни кунларда Хоразм вилояти меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Жамоатчи суратқаш Шербек ИБРОҲИМОВ яқинда шу вилоятда бўлиб, турли суратлар олиб қайтди.**

**1. Боғот районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги фермаси аъзолари бу йил маҳсулдорликни оширишда юқори натижаларга эришаётирлар. Бу борада бузоқбоқар Нигора Собировнанинг ҳиссаси катта. 2. Шу райондаги Наримонов номли жамоа хўжалигининг Мақсуд Аҳмедов бошлиқ мўйначилик цехи ишчилари телпак, камзул ва бошқа маҳсулотлар тайёрламоқдалар. Рўзибой Машарипов билан Холжон Нурметова кўпчиликка ўрнак кўрсатишмоқда. 3. Шу хўжаликнинг кафел тайёрлаш цехи ишчиси Турсунбой Оллоберганов мусобақада пешқадамлик қилмоқда. 4. Наримонов номли жамоа хўжалигининг иссиқхонасида 130 хилдан зиёд гул ва лимон етиштирилмоқда. Иссиқхонанинг илғор ходимларидан С. Абдуллаева билан Ш. Рўзметова гул уруғини йиғишмоқда. 5. Боғот районидаги Киров номли жамоа хўжалигининг консерва заводида айни кунларда 13 хилдан зиёд турли компотлар, мурабболар ва қандолатчилик маҳсулотлари тайёрланмоқда. Суратда жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Озод Эгамбердиев завод меҳнаткашлари билан суҳбатлашмоқда. 6. Дилором Қурёзова ҳам гул шайдоси. 7. Иссиқхонада етилган лимонлар. 8. Муаттар гулларни ким севмайди дейсиз. 9. Меҳрибон Матназарова 21 йилдирки Наримонов номли жамоа хўжалиги лимонзорида ҳормай-толмай меҳнат қилиб келмоқда.**

## МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Қорақалпоғистон республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар партия кенгашларининг парламент ишлари масалалари билан шуғулланадиган котиб — бўлим мудирлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказди. Семинарда республика Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби А. Х. Саидов «Ҳозирги шароитда парламент типидаги партия сифатида Халқ демократик партиясининг иш хусусиятлари. Барча даражадаги халқ депутатлари кенгашларида партия депутатлар гуруҳининг фаолияти» деган мавзуда маъруза қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари шунингдек, Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Парламент ишлари, партияларо ва халқаро алоқалар бўлимининг илмий консультанти Я. С. Уманскийнинг «Ўзбекистон республикаси Президенти сайловларига ва давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда партия кенгашларининг роли», Матбуот, ахборот ва ташвиқот бўлимининг мудири А. М. Жалоловнинг «Сайловолди даврида ташвиқот ишларини ташкил этиш, уни оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисида». Таҳлил ва прогноз гуруҳининг раҳбари М. Л. Ельшовнинг «Республикада ижтимоий-сиёсий вазият ва Халқ демократик партияси кенгашлари фаолиятларида уни ҳисобга олиш зарурлиги тўғрисида» мавзуидаги маъруза ва ахборотларини эшитдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўзаро фикрлашдилар. Семинар-кенгаш ишида республика Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби А. Н. Носиров қатнашди.

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ва бошқа республикаларда истиқомат қилаётган грек сиёсий муҳожир коммунистларни бирлаштирган Греция Компартиясининг Тошкент ташкилоти ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда Греция Компартиясининг бўлажак XIV съезди билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Конференция иштирокчилари И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатилганини қўллаб-қувватладилар ва республикада истиқомат қилаётган ва унинг граждани бўлган грекларни 29 декабрда бўладиган сайловларда унга ўз овозларини беришга ҳамда референдумда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қувватлашга чақирдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури грек коммунистларида катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан конференцияда Греция Компартияси Тошкент ташкилоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида таклифлар билдирилди.

Конференция грек коммунистларининг Тошкент партия комитети котиби этиб Гуделас Хрисостомос Ставросни, раиси этиб Дорогиденис Христос Константинини сайладилар. Анжуманда Греция Компартияси Марказий Қўмитаси вакили Трикалину Яна Марказқўм тезислари ҳақида конференция иштирокчиларига сўзлаб берди.

Конференция ишида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов иштирок этди.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ЯНГИ РАҲБАРЛАРИ

**28 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қурултойининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Маълумки, қурултойнинг октябрь ойи охирида бўлиб ўтган биринчи босқичида бир қанча масалалар, жумладан, ташкилий масала ҳал қилинмай қолган эди. Шу масала иккинчи босқичнинг кун тартибига қўйилди.**

Республика Ёзувчилар уюшмасининг янги раҳбарлари сайланди. Делегатлар кўпчилигининг таклифига биноан **Одил Ёқубов** ижодий уюшманинг фахрий раиси этиб сайланди. 53 ёшли шоир **Жамол Камол** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби этиб сайланди, у илгари таржима маркази директорининг ўринбосари лавозимида ишлаган эди. **Шоир Абдусамад Кўчимов, шоира Гулчеҳра Нуриллаева, шоир Мирпўлат Мирзаев** унинг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Қурултой кенгаш ва ҳайъат тузиш тўғрисида олдин қабул қилинган қарорни бекор қилди. Эндиликда пленумлар ўрнига ёзувчиларнинг йиллик конференцияларини ўтказиш кўзда тутилди.

**Э. ТУХВАТУЛЛИНА,**
**ЎзТАГ мухбири.**

• *ОЧИҚ, ОШКОРА МУЛОҚОТ*

## КИМНИНГ ҚАНДАЙ АРЗИ БОР?

*«Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳририяти меҳнаткашларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш учун янгича иш тутмоқда*

**Рўзнома номига ҳар куни жойлардан турли мазмунда кўплаб хатлар, шикоятлар келяпти. Таҳририят бу мактубларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб барча вилоятларда «Очиқ хатлар куни»ни ўтказишга қарор қилди.**

**«Очиқ хатлар куни»дан олдин шу тадбир ўтказиладиган район, хўжалик, корхона ёки ташкилотда бу ҳақда эълон чиқарилади, одамлар хабардор қилинади. Кўп ерларга саволлар, таклифлар ва мулоҳазалар учун қутилар ўрнатилади. Кишилар ўзларининг муаммо ва илтимосларини ҳал этадиган ташкилот ва идоралар номига ёзадиган хатларини ана шу қутиларга солишади.**

Дастлабки «Очиқ хатлар куни» Боёвут районидаги Пушкин номли давлат хўжалигида бўлиб ўтди. Совхоз меҳнат аҳли билан учрашувда «Ўзбекистон овози» рўзномаси жамоаси вакиллари, вилоят, район хўжалик раҳбарлари ҳамда мутахассислари қатнашди. Учрашувни Халқ демократик партияси район кенгашининг биринчи котиби Неъматулла Умрқулов очди. У одамларни учрашувнинг мақсад ва вазифалари билан таништиргач сўзни «Ўзбекистон овози» рўзномаси бош муҳаррири **Расул РАҲМОНОВ**га берди.

Р. Раҳмонов республикада рўй бераётган ўзгаришлар, мустақиллик йўлида қилинаётган ишлар, Президент Фармонлари ва унинг ижроси, Халқ демократик партиясининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми якунлари, мураккаб муаммолар, уларни ҳал этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил гапириб берди. Бинобарин залдагилардан ўз фикр-мулоҳазаларини тортинмай бемалол айтишни, бу мулоҳазалар рўзнома жамоаси фаолиятига шубҳасиз ёрдам беришини таъкидлади.

Шундан сўнг район меҳнат жамоалари вакиллари, раҳбарлар, мутахассислар, фаоллар сўзга чиқдилар.

**Мирмуса МИРШАРИПОВ.**
**Боёвут район**
**кенгаши раиси муовини:**

— «Ўзбекистон овози» рўзномасини анча йиллардан бери севиб ўқиб бораман. Кейинги пайтда унинг саҳифаларида жиддий ўзгаришлар бўлди. Бу рўзнома жамоасининг бир

**(Давоми учинчи бетда).**

## ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

• Республикада

● **ҚАШҚАДАРЁ вилоятидаги Бешкент шаҳрининг аҳолиси ўзини анча хотиржам сеза бошлади.** Бу ерда тунги соқчилик ташкил этилди. Район ички ишлар бўлимининг ходимлари дружиначилар билан биргаликда ҳар куни кечаси соқчилик қилишмоқда. Натижада маҳаллалар ҳамда кўчаларда ҳуқуқбузарликлар, шахсий мол-мулк ва чорва моллларини ўғирлаш ҳоллари анча камайди.

● **АНДИЖОН вилоятидаги Жалолқудуқ район «Олга» рўзномасининг бадиий-адабий, тижорат ва билдирувлар учун иловаси — «Илҳом»нинг намуна сони ўқувчилар қўлига тегди.** Унда район ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи хабарлар билан бирга «Шеърият дафтаридан», «Келинлик остонасидаги ўйлар», «Дам олиш соатларида» рукнлари остида қизиқарли материаллар, эълонлар чоп этилган.

● **ЖИЗЗАХ вилояти. Дўстлик районидаги Ф. Хўжаев номли 6-ўрта мактаб Америкада тайёрланган ўқув компьютерлари билан жиҳозланди.**

**СУРАТДА: электрон-ҳисоблаш машиналари ўқитувчиси Ҳамрохон Муродов 11-синф ўқувчилари билан машғулот ўтказаётган пайт.**

● **ФАРҒОНА давлат дорилмуаллими ташкил топганига 60 йил тўлди.** Ана шу муносабат билан бу ерда Ўзбекистон илмий ва муаллимлар жамоатчилиги вакиллари иштирокида тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда энг кекса олий ўқув юртларидан бири 45 мингдан кўпроқ ўқитувчи тайёрлагани, улар ҳозир жумҳуриятимизнинг барча вилоятларида меҳнат қилаётгани таъкидланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН ва Беларусь байналмилалчи жангчилари олдиларида турган вазифаларни ҳал этишда ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга қарор қилишди.** Икки республиканинг байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюшмалари турли-туман соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шартномада биргаликда хўжалик фаолияти юритишдан то тиббий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишгача бўлган вазифалар акс этган.

Иккала томон хусусан ҳозир республикаларо ҳамкорлик зарурати пишиб етилди, деб ҳисобламоқда. Биргаликда иложини топиш, қийинчиликларни енгиш осонроқ бўлади. Собиқ жангчилар ўзларига тегишли бир дунё муаммоларни ҳал этишда ана шундай қийинчиликларга дуч келишмоқда.

● **ЯЙПАН улгуржи савдо корхонаси ҳузурида тикувчилик ишлаб чиқариш ҳам ташкил топди.**

**СУРАТДА: чаққон тикувчи Хуснида Кўчқорова ҳамда унинг дугоналари.**

**У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.**

● **САМАРҚАНДда минерал озуқа қўшимчаси ишлаб чиқарадиган цех фойдаланишга топширилди.** Қишлов даврида бу маҳсулот моллар учун жуда ҳам кераклидир. Унинг таркибида зарур моддалар бўлиб, молларнинг семиришига кўмаклашади.

Озуқа қўшимчасини олиш усули Самарқанд давлат дорилфунунида ишлаб чиқилди, унга муаллифлик шаҳодатномаси берилди. Янги усулнинг хосияти шундаки, уни тайёрлашда иккиламчи хом ашёдан фойдаланилади, қайта ишлашда ўзига хос технология жуда ҳам қўл келади.

● **ОҚОЛТИН районидаги марказидаги Сардоба қишлоғида «Тошкентқоттон» бирлашмаси билан Италиянинг «Карэро» фирмаси қўшма тикувчилик корхонасини ташкил этди.** Бу ерда ёшлар орасида ҳам, катта ёшдаги кишилар ўртасида ҳам кенг тарқалган жинси тикилади.

• *ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ*

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САРИ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг делегацияси ноябрь ойида Нью-Йоркда бўлди. Делегация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 46-сессияси ишида қатнашди. Эслатиб ўтамиз. Республикалар Ташқи ишлар вазирликлари вакилларининг Иттифоқ расмий делегацияси таркибида Бош ассамблея сессияси ишида иштирок этиши кўпдан давом этаётган яхши анъанадир.**

**Ўзбекистон дипломатларининг бу галги ташрифи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, Республика мустақил деб эълон қилинганидан кейинги биринчи ташрифидир. Делегациямиз умумиттифоқ делегациясининг бир қисми бўлиб, айни вақтда ташрифда мустақил Республика номидан биринчи марта қатнашди, деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Шаҳло Насимовна Маҳмудова. ЎзТАГ мухбири вазирдан шу ташрифни шарҳлаб беришни илтимос қилди.**

— Биз БМТ Бош котиби Х. Перес де Куэльяр билан учрашиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мактубини топширдик, — деб гап бошлади Ш. Н. Маҳмудова. — Республикадаги аҳвол, Ўзбекистон барча давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш юзасидан амалга оширган тадбирлар тўғрисидаги ахборотимиз қизиқиш билан кутиб олинди.

Бизнинг илтимосимизга биноан БМТ манзилгоҳида биринчи марта Республика Олий Кенгашининг мустақиллик тўғрисидаги Баёноти, давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун, шунингдек, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг БМТ Бош котибига Орол денгизи муаммолари ҳақидаги мактуби расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Бош ассамблея сессиясининг раиси, Саудия Арабистони дипломатия ваколатхонасининг раҳбари Самир Шихоби, Бахрайннинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Муҳаммад Абдулғаффор билан бўлиб ўтган суҳбатларда Ўзбекистон ва бошқа давлатлар алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ жуда кўп масалаларга тўхталиб ўтилди.

Делегация Вашингтонга борди, Оқ уй ва давлат департаменти вакили АҚШ Президентининг СССР ишлари билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси Эд Хьют ва давлат котибининг Европа ишлари бўйича ўринбосари Рельф Жонсон делегацияни қабул қилди. БМТга кўмаклашувчи Америка уюшмасининг бошлиғи профессор Гарднер, савдо-саноат палаталари, банклар ва корпорациялар вакиллари билан бўлган учрашувларни ҳам фойдали деб ҳисоблаймиз.

**— Шаҳло Насимовна, делегация аъзоларида ана шу кўп учрашув ва суҳбатлардан қандай таассурот қолди?**

— Америкаликлар Ўзбекистонга қизиқиб қарамоқдалар, бизда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини улар диққат билан кузатиб туришибди. Хуллас, улар биздаги жараёнларга бефарқ қараётганлари йўқ. Лекин, АҚШда, шу жумладан ҳукумат доираларида Ўзбекистоннинг ички ҳаёти тўғрисидаги янгиликларни асосан газеталардан, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлардан билиб оладилар. Уларнинг хабарлари эса, афсуски, кўпинча бир томонлама, ҳатто ғаразли бўлади. Хуллас, бевосита сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўқлиги таъсир қилмоқда. Биз ана шу бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилдик.

Суҳбатларда Республика Олий Кенгаши билан АҚШ Конгресси ўртасида алоқа ўрнатиш ва бир-бирига делегациялар юбориш, Тошкентда АҚШнинг консуллик муассасаларини очиш тўғрисидаги масалалар кўйилди.

Америкаликлар Ўзбекистонда қабул қилинган хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунга қизиқдилар. Улар бу ишда халқаро меъёрларга мос келадиган ҳуқуқий асослар яратилишини муҳим деб ҳисоблайдилар. Суҳбатдошларимиз мулкни хусусийлаштириш, хусусий секторни, ишбилармонликни ривожлантириш муаммолари билан ҳам қизиқдилар. Сармоя сарфлашнинг ҳуқуқий асослари ва шартлари билан шу жойнинг ўзида танишиш учун республикага савдо-иқтисодий делегацияни ёки ишбилармонлар гуруҳини юбориш истаги айтилди.

БМТнинг мамлакатлараро корпорация маркази билан музокара олиб борилди, бу марказга ижрочи директор П. Хансен бошчилик қилади. Ўзбекистон турли йўналишларда ҳамкорлик қилишга тайёрдир. Марказнинг маълумотлар банкидаги ахборотдан фойдаланиш, мутахассисларимизнинг хорижий илмий марказларда, халқаро ташкилотларда, фирмалар ва компанияларда тажриба орттириши ана шундай йўналишлар жумласидандир.

Суҳбатларда Тошкентни Нью-Йорк ва Сиэтл шаҳарлари билан боғловчи бевосита авиация йўллари очиш каби муҳим масала ҳам тилга олинди. Лекин бу масала техник ва иқтисодий жиҳатдан пухта ишлаб чиқишни талаб этади.

**— Шаҳло Насимовна, суҳбатдошларингиз Қўшма Штатларнинг собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан тутаётган йўли каби муаммоларни ҳам четлаб ўтмаган бўлсалар керак...**

— Америкаликлар собиқ Иттифоқнинг республикаларга дипломатия мақоми бермаслик тўғрисидаги ниятларини очиқ айтишмоқда, АҚШ ҳозиргача дипломатия муносабатлари ўрнатган республикалар бундан мустаснодир. Америка маъмуриятининг фикрича, мустақил республикаларнинг расмий йўл билан алоқалари СССРнинг БМТдаги доимий ваколатхонаси, СССРнинг Вашингтондаги элчихонаси каби дипломатия муассасалари орқали амалга оширилиши керак. Лекин бу, мисол учун олганда биз АҚШда савдо ёки тижорат бюроси очишимиз мумкинлигини истисно этмайди, лекин бундай бюрога элчихона ёки консулхона эга бўлган мақом берилмайди.

**— Бу масала аниқ бўлди. Лекин кўпгина муштарийларимизни , Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлиши истиқболлари қизиқтиради.**

— Х. Перес де Куэльяр ҳам, Самир Шихаби ҳам бизнинг бу ҳақдаги таклифимизни яхши тушуниб кутиб олишди, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида халқаро алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини ва улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Республикамизни табриклашдан хурсанд бўлишларини таъкидлашди. Лекин бу воқеа тегишли вақтда бўлади. БМТга аъзо бўлиш учун унга аъзо бўлаётган томон БМТ низомига доир мажбуриятларни қабул қилиши, Хавфсизлик Кенгашининг тавсияномасини олиши керак, Шунингдек, Бош ассамблея қарор қабул қилиши лозим.

Ўзбекистон дипломатия делегацияси ташриф чоғида битта муҳим вазифани ҳал қилди, деб ўйлайман. СССРнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Ю. Воронцов ва СССРнинг элчиси В. Г. Комплектов билан ана шу дипломатия муассасаларига маслаҳатчи сифатида Ўзбекистоннинг биттадан вакилини юбориш тўғрисида келишиб олинди. Бу эса республикамиз биринчи марта олган юксак даражадаги дипломатия вакили бўлади. Бу ҳол биз учун катта имкониятлар ва истиқболлар очади, аслида БМТда вакиллари қатнашаётган ҳар бир давлат билан бевосита алоқа ўрнатишга имкон беради.

**— Шаҳло Насимовна, шу муносабат билан Республика ва бошқа давлатлар ўртасидаги муносабатлар бундан бўён қандай ривожланиши ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Сўнгги вақтда Европа, Осиё ва Америкадаги бир қанча мамлакатларнинг элчилари ҳамда ташқи ишлар вазирлари Ўзбекистонга келишди. Бу республикага қизиқиш ошиб бораётганини кўрсатади ва айни пайтда бизнинг фаоллигимиз далили ҳамдир. Президент И. А. Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи Ўзбекистон билан шу дўст мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қудратли омил бағишлади.

Республикамиз барча давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Фақат қўшни мамлакатлар билан эмас, бошқа қитъадаги давлатлар билан ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга тайёр. Туркия, Покистон, Эрон, Афғонистон, Хитой билан бундай ҳамкорликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Ана шу имкониятларнинг кўпи яқин муддатларда рўёбга чиқарилади.

Шуни айтишим керакки, ҳозир бир қанча мамлакатлар билан икки томонлама асосда консуллик ваколатхоналарини очиш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Бахрайннинг БМТ ҳузуридаги вакили билан суҳбатда икки давлат ташқи ишлар вазирлари ўртасида мунтазам маслаҳатлашиб туриш тўғрисидаги таклиф айтилди. Бахрайнда собиқ ССР Иттифоқининг айрим республикалари билан дипломатия, савдо, консуллик алоқаларини ўрнатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобламоқдалар.

**— Шаҳло Насимовна, Ўзбекистон ўзини мустақил деб эълон қилган пайтда сиз ташқи ишлар вазири лавозимига тайинлангандингиз. Бу эса вазирлик ишининг йўналишларини ўзгартиришни ҳам тақозо этди. Республика Ташқи ишлар вазирлиги қандай янги вазифаларни ҳал этиши лозим!**

— Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги мустақил давлатнинг ташқи сиёсий маҳкамаси сифатида халқаро майдонда иш олиб бориши керак. У ташқи сиёсий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришда иштирок этиши лозим. Асосий вазифа эса республиканинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа алоқаларини дипломатия йўли билан таъминлашдан иборат. Кўриб турибсизки, фаолиятимиз соҳаси жуда кенг.

Ҳозирги вақтда Олий Кенгашнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги баёнотини амалда рўёбга чиқариш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши керак. Бу хорижий мамлакатлар Ўзбекистон мустақиллигини тан олишига дипломатия йўли билан эришиш демакдир.

Маслаҳатчилар тоифасидаги вакилларимиз Америкада иш олиб боришини айтдим. Ҳозир СССРнинг хориждаги бошқа дипломатия муассасаларида вакилларимиз бўлиши учун жой ажратилишига ҳаракат қилмоқдамиз. Улар биринчи навбатда Ўзбекистон мустаҳкам сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган мамлакатларга юборилади,

Мустақил Ўзбекистон хорижий мамлакатларда ўз элчихоналари, консуллик ваколатхоналари ва бошқа муассасаларини очадиган кун келишига ишонаман. Бугунги ишларимиз ана шу кунни яқинлаштиради.

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

● САМАРҚАНД вилоят матлубот уюшмасига қарашли «Обираҳмат» савдо-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари хитойлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома туздилар. Шунга мувофиқ эндиликда Самарқанддаги «Тўлқин» ресторанида Хитой миллий таомлари тайёрланади.

ХХРдан келган мутахассислар ҳозир ошпазларни ўқитиш, ресторанни ўз анъана ва услубларига мослаб жиҳозлаш, безашга киришдилар. Яқин орада хўрандалар, Тошкент —Термиз автомобиль йўлида жойлашган шинам ва кўркам ресторандан хитойча овқатлар, чанқовбосди ичимликлар, ширинликлар тановул қилишлари мумкин бўлади. (ЎзТАГ).

● **НАМАНГАН шаҳрининг шимолий қисмида «Оромгоҳ» уй-жой мавзеси тез қад ростламоқда. Бу ишда 10-қурилиш трести бинокорлари фаол қатнашяптилар.**

**СУРАТДА: санитария-техника ускуналарини ўрнатишда илғорлик қилаётган уста-чилангар Усмонжон Холиқов.**

**Суратқаш П. АКБАРОВ.**

• «Ўзбекистон овози» ижрони текширади

## ТАНИ БОШҚА—ДАРД БИЛМАС

Мабодо, ҳозир Нуротадаги юқумли касалликлар шифохонаси бош ҳакими Норқул Файзуллаевдан касбини сўрагудек бўлсангиз, «қурувчиман» дейиши турган гап. Бечора нимаям қилсин — уч йил давомида бинокорликда бажармаган юмуши қолмади.

— Савобли ишга қўл ураман деб, кўп ғавғони ортирдим, — дейди Норқул ака ҳасрат билан. — Бир бинони битказиш учун беш йилдан бери бошимни суқмаган идора қолмади-я. Менимча, лоқайдлик ва боқибеғамлик мусобақаси ўтказилса, қурувчилар жаҳон ғолиби бўлиши тайинов...

Гапнинг қисқаси бундай. Мактабнинг эски биноси жойлашган касалхона учун янги иморат қуриладиган бўлди. 1984 йилда район зилзиладан офат кўрганлиги учун суғурта идоралари маблағ беришди. Норқул аканинг қистовига кўра, ана шу ҳисобдан касалхона қурилиши бошланди. Яхши ният билан пойдевор қўйилди. Лекин бир ойдан кейин район банки инжиқлик қилди. Лойиҳа эскириб қолган эмиш...

— Ишонсангиз, битта лойиҳа туздириш учун Тошкентга 16 марта бориб келдим. Йўл харажати, чой-пой дегандай. Бўйи етган ўғлим кутиб тураверди, мен эса пулни йўлга сарфладим.

Лойиҳа тайёр бўлгач, бир йил иш юришиб турди. Аммо 1986 йилда девори тикланган иморат ҳайҳотдек ҳувуллаб қолди. 1987 йилда иш яна давом эттирилди. Ниҳоят 1990 йилнинг ёзида бинони фойдаланишга топширимоқчи бўлишди. Бош ҳаким оёғини тираб олди.

— Ҳой биродарлар, ахир бино битган эмас. Уни ишга тушириб бўлмайди.

— Инжиқлигингиз қолмади-да, доктор. Гапингизга кириб иморатни қурдик. Иш қусурсиз бўлмайди, албатта. Қолаверса, бу — район, вилоятнинг обрўси. Катталар келиб лента қирқишади. Ўзингизга ҳам яхши.

— Ахир энг кераги канализация, буғ қозони битган эмас, ертўлалар кўллаб ётибди...

— Энди оёғингизни тираб олманг-да. Қишгача олти ой бор, ҳаммасини тузатамиз.

Хуллас, Н. Файзуллаевни кўндиришди. Охири унга кафолат хати ҳам беришди. Ҳатда объектдаги мавжуд 23 та камчилик қишга қадар бартараф этилиши қайд этилганди. Ҳужжатга район ижроқўми раиси М. Тўйчиев бошлиқ беш масъул киши имзо чекди. Ҳа, Нуротада (эҳтимол, бошқа жойларда ҳам) бинони фойдаланишга топширишнинг ана шунақа усули расм бўлган. Минг афсуски, бу кафолатнома ҳам худди олдинги қоғозлар сингари беқадр бўлиб қоларди.

Чунки у олти ой стол тортмасида ётди. Бош ҳакимнинг ўта безовталигидан кейин қурувчилар келиб иситиш системасини тузатиб беришди-ю яна ғойиб бўлишди. Норқул ака кутавериб чарчади. Ҳар куни шифохона дарвозасидан кириши билан юргани безовталанади. Кирхона битмаган, ҳовузда сув турмайди, тарновдан тушган сув уйга киради, ертўла эса захдан сасиб кетган... Эҳ-ҳе, нимасини айтсин.

Район Кенгаши раиси Ўзбекистон халқ депутати З. Нуриддинов, вилоят агроқурилиш бошқармаси бошлиғи Н. Рустамов, 107-қурилиш идораси бошлиғи Б. Соибовга ёзган арзномалари ҳам қудуққа тушган тошдек йўқолиб кетди. Охири дилидагини рўзномаларга ёзди.

Мен 18 июнда 107-қурилиш колоннаси бошлиғи Б. Соибовга, 23 июнда эса вилоят капитал қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Юсуф Эрматовга учрашдим. Иккаласи ҳам: «Мақолани ҳозирча ёзмай туринг, камчиликларни тузатамиз», деб ваъда беришди. Мен ишондим.

— Бино чала топширилган. Шу боис қурувчиларга сметада кўрсатилган пулни тўлиқ берганимиз йўқ, — деди Ю. Эрматов. — Қоидага кўра, ҳамма камчиликни ўша қурилиш ташкилоти тузатиб бериши керак. Мен ўзим келаси ҳафтада Нуротага бориб ишни тезлатаман...

Яқинда Норқул ака билан телефонда боғландим.

— Э, ука, қурувчиларга ишониб юрманг. Иш ўша-ўша. Бу қишдан қандай чиқар эканмиз? Наҳотки, катта бир вилоятда кичик бир қурилиш идорасини ишлата оладиган бир сўзли раҳбар топилмаса.

Биз ушбу саволга Самарқанд вилоятидаги мутасадди идора ва шахслардан аниқ жавоб кутамиз.

**Ф. ТОШЕВ**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ОРОЛ ДЕНГИЗИ УЧУН СУНЪИЙ ЁМҒИР

● ОРОЛ денгизини сунъий ёмғир ёрдамида сақлаб қолиш мумкин — Қозоғистон олимларининг фикри шундай. Улар самолётлар ва кичик ракеталар ёрдамида қуюқ булутларга таъсир ўтказиб, шу минтақада ёғингарчилик бошлашни таклиф этишмоқда. Бундай ишлар қўшни минтақаларнинг деҳқонлари ёғинсочинга эҳтиёж сезмайдиган баҳор ва куз даврларида амалга оширилиши мумкин.

Қозоғистон гидрометеорология илмий-тадқиқот илмгоҳи ёғингарчилик кам бўладиган ва шувоқ ўсадиган чўлларда сунъий ёмғир ёғдириш юзасидан тажриба ўтказди. Натижада ҳажми ўртача катталикдаги булутдан 30—40 минг куб метр ёмғир суви олишга муваффақ бўлинди.

Олимлар фақат Орол устида эмас, балки бутун Орол бўйида қўшимча ёғин-сочин бўлишига эришиш керак, деб ҳисоблашмоқда. Бу эса минтақадаги экология вазиятини соғломлаштириш, яъни шамол катта ҳудудга учириб кетган туз чангини ювиб ташлаш имконини беради.

Афсуски, Орол денгизи ҳозир ҳам қуриб бормоқда. Қозоғистонда ҳамда Ўрта Осиёнинг қўшни республикаларида ёзда ёғингарчилик бўлмаганлиги Орол денгизининг тағин ҳам қуришига олиб келмоқда.

**В. ГАНЖА.**

**ЎЗБЕКИСТОН мустақил давлат бўлди. У ўзининг сиёсий, иқтисодий, маънавий мустақиллигини ўз мўътабар парламентида эълон қилди. Бу эса халқимизнинг асрий орзусининг ушалиши бўлди. Ўзбекистоннинг туб аҳолиси, барча фуқаролари ана шундай орзу билан яшарди, нафас оларди, улар том маъносидаги мустақилликни истарди.**

Мустақилликнинг аҳамияти, моҳиятини айниқса биз олимлар сезардик, елкамизда ҳис қилардик. Лекин жим эдик. Негаки, номзодлик, докторлик ишларини бажарганда «катта оға»лардан чунонам таъналар эшитардик. Улар нуқул юзимизга тик қараб: «қолоқ ва қашшоқ халқ эдингиз, биз бегараз ёрдам бердик, кийинтирдик, тўйинтирдик, саводли ва маданиятли қилдик» дерди. Бизнинг ишимиз тақдири ва тасдиғи эса ўша «оға»ларга, Марказга боғлаб қўйилган эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллигини ҳаммамиз истардик, кутардик. Негаки, серқуёш Ўзбекистонимиз Сайёрамиздаги илғор давлатлардан ҳам илғор яшашга ҳақли эди, имкониятли эди. Лоақал унинг жуғрофий имкониятларига бир назар ташлайлик.

Ўзбекистоннинг ҳудуди, қазилма бойликлари, иқлими, сув заҳиралари, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот олами, аҳолиси унинг халқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун зарур бўлган муҳим жуғрофий омиллар бўлиб, улардан жумҳуриятимиз мустақиллиги —иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти йўлида оқилона фойдаланиш масаласи шу кеча-кундузда долзарб мавзудир.

Ўзбекистоннинг ҳудуди 447,4 минг.кв.км. бўлиб, у ўзи билан бир хил шимолий кенгликда жойлашган шарқдаги ССЖИнинг қўшниси Японияникидан 75,2 минг кв.км.га кўпдир. Бунинг устига Ўзбекистоннинг ҳудуди яхлит бўлиб, халқ хўжалигини яхлит ривожлантириш борасида қатор қулайликларга эга. Ўз навбатида Япониянинг ҳудуди Тинч океанидаги 4 мингдан ортиқ катта-кичик оролларда жойлашган бўлиб, уларнинг биридан иккинчисига ўтиш мамлакат миқёсида алоқа қилишда жиддий қийинчиликлар туғдириб туради. Ўзбекистон ҳудудининг бешдан тўрт қисми текислик, Япония ҳудудининг тўртдан уч қисми эса тоғ ва қирлардан иборатдир. Ҳудудлардаги бу хил фарқ биринчисида чегараланмаган истиқболни очиб беради, иккинчисида эса тўсиқларга бориб тақалади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатини ривожлантириш учун табиий газ, кўмир, нефть конларига эга. Бироқ ўтган йиллар ичида Ўзбекистоннинг қатор табиий бойликлари ва айниқса табиий гази, Марказга, Уралга ташиб кетилди. Ўзбекистоннинг 1960 йилда мамлакатда газ қазиб олишдаги улуши бир фоизга тенг эди, 1975 йилга келиб эса у 15,8 фоизга кўтарилди. Шу йилларда Бухоро ва Қашқадарё вилояти ҳудудидан йилига 21 миллиард кубометр табиий газ оқизган Газли—Свердловск, йилига 30 миллиард кубометр газ оқизган Ўрта Осиё—Марказ газ қувурлари ўтказилди.

Ўзбекистон ўз олтин конларига эга. Мурунтовда топилган қирқдан ортиқ сочма олтин конлари ҳам ниҳоят даражада топталди. Марказга ташиб кетилди. Эндиликда мустақил Ўзбекистон олтинни Марказга юборишни зудлик билан таъқиқлаши; иккинчидан эса ташиб кетилган олтиннинг қимматини ўз хазинасига қайтариш масаласини ҳал қилиши адолатдандир. Бу хил иш тутиш «Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасини турмушга татбиқ қилишдир. Унда шундай дейилган: «Ўзбекистон республикаси ўз ҳудудида олтин, бошқа қимматбаҳо металлар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлашни мустақил амалга ошириди ҳамда назорат қилади, ўз олтин заҳирасини яратади».

«Ўзбекистон Республикаси ССЖИнинг олтин заҳирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга».

Жумҳуриятимиз рангли металлар, жумладан ноёб руда конларига, қурилиш материаллари сифатида табиий тош-мармарга, туз конларига ғоят бой бўлиб, уларнинг ҳар биридан оқилона фойдаланиш мустақил Ўзбекистоннинг оғир саноатини кенг ривожлантириш уфқларини очиб беради.

Ўзбекистоннинг иқлими қуруқлиги, ўсимлик учун зарур бўлган иссиқлик ва ёруғликнинг кўплиги билан характерланади. Тошкентда июнда қуёш уфқдан 72 даража, Термизда эса 76 даража кўтарилади. Қуёш баланд кўтарилганлиги, булут кам бўлганлиги учун у узоқ вақтгача нур сочиб туради. Нур сочиш йил давомида текисликда 2500—3000 соатга боради.

Қуёш энергиясининг жумҳурият ҳудудида бошқа барча минтақаларга нисбатан кўп тушиши, ўсимликларнинг пишиб етилиши учун зарур бўлган совуқ бўлмайдиган даврнинг кўп (Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида 200—220, Сурхондарёда 220—270 кун) га чўзилиши, деҳқончилик учун зарур бўлган ҳаво ҳарорати ижобий ва фойдали даражаларининг ғоят баландлиги жумҳурият агросаноат мажмуасини келажакда кенг ривожлантириш имкониятларини беради.

Бироқ ҳанузгача жумҳуриятимиз агросаноат мажмуида қуёшнинг ўткир нуридан самарали фойдалана олмадик. Бу борада жаҳон тажрибасини ўрганмадик, уларга мурожаат қилмадик. Қуёшнинг беўлчов нуридан халқ хўжалигида фойдаланиш учун зарур техник мосламалар қурмадик. Негаки, биз хориждан узилиб қолган эдик, уларнинг илғор тажрибасидан бенасиб яшардик. Бугунги мустақиллик шубҳасиз бу борадаги барча тўсиқларни парчалаб ташлашига ва янги уфқлар очишига ишончимиз комил.

Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Шерободдарё жумҳуриятимизнинг энг йирик дарёларидир. Мазкур дарёларнинг кўпи тоғ ва баланд тоғлардаги қор ва музликлардан тўйинганлиги учун серсув, тез оқардир. Уларнинг сувидан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш (ноёб сув иншоотларини ишга туширишсиз), ҳанузгача кам фойдаланиб келинган энергетика қувватини тўла ишга солиш бугунги ва келажак авлодларимиз олдидаги долзарб масаладир.

Ўзбекистон ҳудудида 120 оилага мансуб 3700 турга яқин ёввойи ўсимлик учрайди. Жумҳуриятимиз флораси ССЖИ ўсимлик дунёсининг 18,5 фоизини ташкил қилиб, у фойдали ўсимликларга жуда бой. Жумҳуриятимиз ёввойи ўсимликларидан 90 фоизи чорва учун ем-хашак бўлиб хизмат қилади.

Аҳоли эса муттасил кўпайишда. Агар 1897 йилда жумҳуриятимиз ҳудудида 3,9 миллион киши яшаган бўлса, у 1924 йилда — 4,2; 1935 йилда — 6,3; 1959 йилда—8,1; 1980 йилда—15,7 ва 1990 йилда эса 20 миллион кишини ташкил қилди. Аҳолининг миллий таркибида маҳаллий халқ—ўзбеклар ҳам худди шу тезликда ўсиб борди. Масалан, 1959 йилдаги аҳоли рўйхати бўйича жумҳуриятимиз туб аҳолисининг 62,1 фоизини ўзбеклар ташкил қилган бўлса, 1989 йилда бу кўрсаткич 72,1 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг аҳолиси жумҳурият агросаноат мажмуини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантирувчи кучли жуғрофий омил сифатида майдонга чиқади. Ушбу омилни Россияники билан қиёслайлик. У ҳолатда манзара қуйидагича кечади: уларнинг бирида аҳолининг аксарият қисми қишлоқни (ва ўз навбатида ноз-неъмат яратадиган оғир ишни) тарк этиб шаҳарларга қочиб кетди; иккинчисида эса аҳолининг аксарияти фақат қишлоқда яшашни (айни пайтда йил бўйи меҳнат қилиб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни) анъанавий турмуш тарзига айлантирди. Бу нарса исбот талаб қилмайдиган даражадаги ҳақиқатдир. Эндиликда жумҳуриятимиз ўзининг ана шундай меҳнаткаш халқининг онгини жаҳон мамлакатлари эришган ютуқлардан баҳраманд қиладиган кунларга эришдик. Мустақил жумҳурият парламентининг бошлаган барча дадил қадамлари; қабул қилган қарорлари шу нарсага қаратилгандир. Ўзбекистон қайта туғилди. Унинг оғир ва айни пайтда аянчли меҳнатларда тобланган туб аҳолиси мустақиллик йўлида дадил туради, мардларча олға қадам босади, жумҳуриятнинг бой маданий, маънавий меросини эъзозлаган ҳолда мустақил Ўзбекистон учун бутун борлиги билан хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақил давлат тарзида иш юритар экан, унда узоқ йиллар мобайнида машаққатли меҳнат билан яратилган илмий-техника имкониятлари ва асосий ишлаб чиқариш фондлари, меҳнатсевар халқининг асрий тажрибасига таянган ривожлантираётган халқ хўжалигининг муҳим соҳалари жуғрофий омиллар билан бирга янгича йўналиш, янгича мазмун олади. Агар бу борада хорижий давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланишга эришилса, яқин келажакда Ўзбекистон Сайёрамизнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олиши шубҳасиздир.

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

# ЮРТИМИЗНИНГ ЖУҒРОФИЙ ОМИЛЛАРИ

**А. РУЗИЕВ,**
**академик, Ойбек номидаги Термиз давлат муаллимлар олий илмгоҳи жуғрофия кафедрасининг мудири, жуғрофия фанлари доктори, профессор.**

## ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

### • Мамлакатда

● **Москва. 27 ноябрь.** СССР Президенти Михаил Горбачев Японияда Киодо Цусин ахборот бошқармаси Бош муҳаррири Кацуми Эндо билан суҳбатлашди.

— Иттифоқимиз қандай бўлади деган, ҳатто кескинроқ қилиб, унинг келажаги борми, деган савол ўртага қўйиладиган бўлса, шуни айтиш мумкинки, бу масала ҳозир мамлакатимиз учун, ундаги барча халқлар учун энг муҳим масала бўлиб турибди, — деди М. С. Горбачев. — Табиийки, мен учун ҳам энг муҳим масаладир.

Кейинги вақтларда мен ўз фикримни бир неча бор баён этиб бердим. Ислоҳотларимиз рўёбга чиқиши ёки чиқмаслиги, бинобарин халқаро майдондаги воқеаларнинг бориши ҳам Иттифоқнинг тақдири нима бўлади, деган саволга қандай жавоб берилишига боғлиқлигига аминман.

● **«Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятидаги ҳамда Озарбайжон Республикаси билан Арманистон Республикасининг чегарадош районларидаги вазиятни барқарорлаштириш тадбирлари тўғрисида» СССР Давлат Кенгаши қарор қабул қилди.** Унда таъкидланишича, Озарбайжон Республикасининг Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти теварагида вужудга келган вазиятни бартараф этиш, Озарбайжон ва Арманистоннинг чегарадош районларида яшовчи фуқаролари хавфсизлигини таъминлаш, мазкур республикалар учун ҳам, бутун мамлакат учун ҳам янада оғирроқ оқибатларга олиб бориши мумкин бўлган можаро кучайишига йўл қўймаслик мақсадида СССР Давлат Кенгаши махсус қарор қилди.



● **ВАТАНимизда янги авиакомпания вужудга келтирилмоқда.**

**СУРАТДА: «Боинг — 747-400» ҳаво кемаси учиб бораётган пайт.**

**Суратқаш В. ЯНКИН (ТАСС)**

● **СССР Президенти яқинда мамлакат бўйлаб қилган сафари натижаларидан мамнун. Бу натижалар Президент бориб кўрган икки регионда «ҳатто кескинлашган вазият шароитида ҳам сиёсий муҳитда яхши ўзгаришлар» рўй бераётганини тасдиқлади.** СССР Президентининг матбуот котиби Андрей Грачев Москвада журналистлар билан бўлган суҳбатда Михаил Горбачевнинг Иркутск ва Қирғизистон сафари якунларини шундай баҳолади.

СССР Президентининг матбуот котиби Михаил Горбачевнинг Испан кортеслари делегацияси ва Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти билан ўтказган икки учрашуви ҳақида ҳам журналистларга ахборот берди. Эрон вазири ўз мамлакати раҳбарининг СССР Президентига йўллаган мактубини топширганини айтди.

● **Учишни бошқариш маркази. Космонавтлар Александр Волков билан Сергей Крикалевнинг орбитадаги парвози давом этмоқда.**

Учувчи бошқарадиган мажмуа экипажи бугун «Волна-2» қурилмасида яна бир туркум тажрибаларни ўтказди. «Волна-2» қурилмаси бошқарув пульти бўлган махсус гидростенд ва рўйхатдан ўтказувчи видео ҳамда фотоаппаратлардан иборат. Ана шу тадқиқотлар жараёнида истиқболда ишлатиладиган космик аппаратларнинг ёқилғи системалари қисмлари пишиқлаштирилади ва вазнсизлик шароитида ишлатилиши мумкин бўлган суюқлик ҳолати ўрганилади.

● СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 3 сўмлик ва 1000 сўмлик банкноталари муомалага чиқарилиши ҳамда 1991 йил нусхасидаги 10, 50 ва 100 сўмлик банкноталарнинг шакли ўзгартирилиши ҳақида СССР Давлат банкининг ахбороти тарқатилди.

«СССР Давлат банки 1991 йил 29 ноябрдан бошлаб банкнинг 1991 йил нусхасидаги 3 сўмлик банк билетлари (банкноталари)ни муомалага чиқаради.

Пул оборотини эҳтиёжларини қондириш ва ҳисоб-китоб қилишда фуқароларга кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида муомаладаги пул белгиларига қўшимча равишда СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги 1000 сўмлик банкноталари тайёрлана бошлади.

1000 сўмлик банкноталарнинг расмлари жойлаштирилиши «Москва Кремли» банкноталар туркумидаги қарор топган услубдан фарқ қилмайди. Банкноталарнинг тасвири ва муомалага чиқарилиш аниқ санаси қўшимча равишда эълон қилинади.

СССР Давлат банки СССР давлат банкининг 1000 сўмлик банк билетларини чиқариш билан 1991 йил нусхасидаги банкноталар туркумини тугаллайди.

## • ОЧИҚ, ОШКОРА МУЛОҚОТ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ёқадан бош чиқариб ижодий изланаётганлиги самарасидир.

Шу билан бирга рўзномада айрим берилиши лозим бўлган мавзулар ҳам йўқ эмас. Масалан, марказий матбуотда Ўзбекистоннинг Иттифоқ қарзини ҳамкорликда тўлаш ҳақидаги меморандумга қўшилмаётганлиги ҳақида турли хил фикрлар айтилмоқда. Натижада одамларда ҳар хил тасаввурлар пайдо бўлаётир. Менимча, «Ўзбекистон овози» шу ҳақда аниқ, пухта маълумот бериши керак. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг олтини ҳақида ҳам турли гаплар юрибди. Шу ҳақда аниқ маълумот олсак ана шундай гап-сўзларга барҳам беришга эришган бўламиз, деб ўйлайман.

Яна бир фикр — хилма-хил нуқтаи назарлар ҳам ёритилса. Халқимиз ўқимишли, зийрак, доно халқ, яхшисини ўзи саралаб, танлаб олади.

**Абдуманнон ЎДАЕВ,**
**совхоз ишчиси:**

— Ҳозир ҳамма ерда одамлар савдодан норози. Нарх-наво кундан-кунга ошиб кетяпти. Айрим савдо ходимлари нарх устига ўзлари истаганча нарх қўйиб сотишмоқда, орномус деган нарса қолмаяпти. Нопок шахслар халқ ҳисобига бойиб боряпти. Менимча, рўзнома жамоаси тегишли ташкилотлар билан биргаликда тез-тез рейдлар ўтказиб туриши керак. Йўл қўйилган хатоларни тузатиш рўзнома назорати остида бўлсин. Ана шундагина савдодаги суиистеъмолликларга бирмунча барҳам бериш мумкин.

**Бердиёр МАМАТҚУЛОВ,**
**район ижроия қўмитаси муовини:**

— Республика Президенти И. А. Каримов одамларга катта ғамхўрлик қиляпти. Унинг меҳнаткашларни томорқа ерлари билан таъминлаш, аҳолига ичимлик суви, газ етказиб бериш ҳақидаги Фармонлари ана шулар жумласидандир.

Районимизда зарур одамларга ер бериляпти. Аммо қурилиш материаллари етишмаслигидан улар ўзлари учун уй-жой солишда жуда қийналиб кетишди. Кооперативлар вилоятимизга келган қурилиш материалларини турли йўллар билан эгаллаб, нархини осмонга чиқариб сотишяпти. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бу чайқовчи кооператорларни тийиб қўядиган ташкилот эса на районда, на вилоятда топилмаётир.

Халқ эса ҳозирги танглик пайтда улардан чор-ночор ҳолда қиммат нархда қурилиш материалини сотиб олишга мажбур бўляпти. Рўзнома махсус бурчак очиб, унда қурилиш материаллари таъминоти ва улар билан савдо қилишда йўл қўйилаётган камчиликларни мунтазам ёритиб боришини талаб қиламиз.

**Орзиқул АБДУСАМАТОВ,**
**район рўзномаси муҳаррири:**

— Мен 21 йилдан бери «Ўзбекистон овози»нинг муштарийсиман. Кейинги пайтда рўзномада кескин ўзгариш рўй берди. Рўзноманинг қалами қайрилган, тажрибали, моҳир журналистларнинг қўлидан чиқаётганлиги сезиляпти. Ҳамма саҳифаларида эски, қотиб қолган қолиплар бузилиб, ўқимишли материаллар ўрин олаётир. «Эшитмадим деманглар» «Мустақиллик дорилфунуни», «Одобнома», «Оқлов» рукнларида берилаётган мақолаларни муштарийлар қизиқиб ўқишяпти. Шу билан бирга рўзнома қуйидагиларга эътибор берса яна ҳам соз бўларди.

Масалан, «Мустақиллик дорилфунуни» рукни остида берилаётган мақолалар кўпроқ назарий бўлиб қоляпти. Боз устига ҳажми катта. Шу рукн остида амалиётчилар, хусусан тажрибали раҳбарлар, хўжалик раҳбари Сайдулла ака Абдуқодировга ўхшаган иқтисодчилар, мутахассислар мақолаларини бериб борса, айни муддао бўларди. Яна шуни ҳам истаймизки, рўзномада ишчи-деҳқон мухбирларининг мактубларига кўпроқ ўрин ажратиш лозим. Рўзноманинг юзи «меъморчилиги» ўзгарди, уни янада такомиллаштириш лозим.

**Аҳмад БОЙҚУЛОВ,**
**1-бўлим бошлиғи:**

— Республикамиз Президенти меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб чиқараётган Фармонларни амалга оширишда жойларда изчиллик етишмаётир. Масалан, республика халқ депутатлигига сайловлар ўтказилаётган пайтда Ўзбекистон аҳолисини газ ва ичимлик сув билан 1995 йилгача тўла таъминлаш масаласи кўтарилган эди. Агар бу йўналишдаги иш ҳозирги тарзда давом этадиган бўлса, ушбу тадбирларнинг ҳали-бери амалга ошиши қийин. Шунинг учун ҳозиргача район, вилоят раҳбарлари «суюқ газ»ни узлуксиз етказиб бериб турсалар.

Бундан ташқари, республикамизда давлат тили ҳақида Қонун қабул қилинганига икки йилдан ошди. Лекин айтарли ўзгариш бўлмаяпти. Қаерга борсанг иш юритиш аввалгидек рус тилида. Ўзбек тилини ўқитиш ва ўргатиш эса оқсаяпти. Агар жиддий чоралар кўрилмайдиган бўлса, бу масалада ҳам кўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Таъкидлаш керакки, республикамиз раҳбариятининг иш фаолиятида яхши бир анъана қарор топаяпти. У ҳам бўлса катта фармонлар, муаммоли масалалар халқ билан маслаҳатлашиб амалга ошириляпти. Шу ўринда Ўзбекистонга берилган мустақилликнинг референдум қилиб халқ назаридан ўтказиб олишга аҳд қилинганлиги жуда маъқул. Демоқчиманки, «Ўзбекистон овози» рўзномаси ҳам халқ овози бўлиб ўзгариб бораяпти. Бу йўлда унга яна барор тилаймиз!

**Бобосаид ШОЕҚУБОВ,**
**маҳалла комитети раиси:**

— Жамоамиз кўпмиллатли. Улар аҳил ва тотувлик билан эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилишяпти. Аммо, ана шу оддий меҳнаткашга ғамхўрликни дуруст, деб бўлмайди. Қиш келяпти. Совуқ кунларга тайёргарлик эса жуда ночор. Оддий ойна, лампочкалар магазинларда анқонинг уруғи бўлиб қолди. Ойна ўрнига кардон қоғоз тутиб, қоронғида ўтирибмиз. Кейинги пайтда суюлтирилган газ умуман келтирилмай қўйди. Дўконлар бўм-бўш, конфет-ширинликлар топилмайди.

Қишлоқларда ишсиз аёллар сони тобора кўпайиб боряпти. Айниқса қишда ишсизмаошсиз қийналиб қолишяпти. Рўзнома шу борада бизга ёрдам беради, деган умиддамиз.

ромликлар бўлаётган амалда мақола мазмунига бутунлай тескари иш тутилаётганлигини кўрсатмоқда. Аҳоли магазинлардан ўзларига тегишли бўлган шакар, қанд ва бошқа маҳсулотларни тўла олаётганлари йўқ. Бу савдо ходимларининг ғирромлик йўлига ўтиб олганлигини кўрсатмайдими. Мен матбуот ходимларидан рўзномада чиққан ҳар қандай мақолаларда кўтарилган вазифаларнинг бажарилишини изчил назорат қилиб боришларини илтимос қиламан. Ана шунда халқнинг рўзнома ва ойномаларга бўлган меҳри янада кучаяди.

**Даврон ҒОЗИБЕКОВ,**
**район ижроия қўмитаси раиси муовини:**

— Мен «Ўзбекистон овози» рўзномасини ёшлигимдан ўқийман. Ундаги ўзгаришларни сезиб турибман. Кейинги пайтларда рўзномани безатиш ишларида силжиш бўлди. Мен бу борадаги ишларни янада яхшилаш учун таклифларимни ҳам айтмоқчиман. Биринчидан, рўзноманинг номи — «Ўзбекистон овози» деган ёзув шрифти бироз қўполроқ туюляпти, менга. Бу ёзув чиройли ҳарфлар билан берилса ёмон бўлмасди.

Бундан ташқари рўзноманинг тўртинчи саҳифасида фақат раҳбар ходимлар учунгина

Одамларга томорқалар тақсимланяпти, чорва моллари, ем-ҳашак етказиб берилаётир. Мактаб ўқувчиларини нонушта ва тушлик билан текин таъминлаш йўлга қўйилган. Хуллас, ҳалол меҳнат қилиб, моддий бойлик яратаётган кишиларимизга иложи борича қулайликлар яратишга ҳаракат қиляпмиз. Лекин бу борада бизга боғлиқ бўлмаган анчагина муаммолар борки, уларни ҳал этишда рўзнома ёрдамига муҳтожмиз.

Бизни қийнаётган нарсалардан бири қурилиш материаллари танқислигидир. Тўғри, совхозда ғишт ва асфальт заводлари ишлаб турибди. Деҳқонларни ғишт билан таъминлаяпмиз. Бироқ ёғоч-тахтага келганда қўлимиз калталик қиляпти, Россия вилоятларидан келтирилаётган ёғочларнинг нархи районимизга етиб келгунча 250-300 сўмга тушади. Улар сотилаётган пайтда эса нархи 600 — 700 сўмга чиқиб кетмоқда. Ҳўш, нега шундай бўляпти? Бу ҳақда рўзнома тегишли ташкилотлар билан текшириш ўтказиб, аниқ хулосасини саҳифаларида ёритса ёмон бўлмасди.

Кейинги пайтда одамларнинг иш ҳақлари 1,5 — 2 баробар ошди. Бу яхши, албатта, бироқ қишлоқ хўжалиги техникаси, ўғит, эҳтиёт қисмлар ва бошқа нарсаларнинг нархи 10 — 15 баробар ортиб кетганига нима дейсиз? Магазинларда одамлар учун зарур молларнинг топилмаётгани ҳам ёмон бўляпти.

Мен рўзнома ходимларидан биз билан, қолаверса бошқа меҳнат жамоалари билан янада мустаҳкамроқ алоқа боғлашларини истардим. Бизларнинг олиб бораётган ишларимиз, изланишларимиз, ютуқларимиз, тажрибаларимизни ёритиш билан бирга ўзимизга боғлиқ бўлмаган муаммоларни ечишда ёрдам берсалар айни муддао бўларди. Мен шундан келиб чиқиб хўжалигимизда «Ўзбекистон овози» дўстлари клуби»ни ташкил этишни таклиф қиламан. Бу меҳнаткашлар билан рўзноманинг алоқасини янада мустаҳкамлаган бўларди.

... Учрашувда район ижроия қўмитасининг турли соҳалар бўйича муовинлари, савдо ташкилотлари раҳбарлари, газлаштириш, алоқа идоралари бошлиқлари, район масъул ходимлари сўзга чиқиб меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларида кўтарилган муаммоли вазифалар ҳақида гапирдилар, уларнинг саволларига жавоб бердилар.

Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг биринчи котиби **Собиржон Усмоновнинг** чиқишини йиғилиш қатнашчилари алоҳида қизиқиш билан кутиб олдилар.

— Оиламиз азалдан «Ўзбекистон овози» рўзномасининг ихлосманди, — деди ўз сўзида **С. Усмонов.** — Биз унда ёритилган материалларни оила аъзоларимиз билан мунтазам ўқиб борамиз. Фикрлашамиз, мулоҳаза юритамиз. Ана шулардан келиб чиқиб мен рўзноманинг янада ўқишли бўлишини таъминлаш учун айрим таклифларни айтмоқчиман.

Маълумки, шу пайтгача Ўзбекистон тарихи адабиётларда ҳаққоний ёритилмади. Шунинг учун бутун-бутун даврлар, тарихий шахслар, буюк алломалар ҳақида нотўғри тушунчаларга эга бўлиб келдик. Масалан, улуғ саркарда Амир Темурни олайлик. У адабиётларда ёвуз саркарда, босқинчи сифатида талқин қилинган. Ваҳолонки, бу буюк сиймонинг ўрганса арзийдиган яхши фазилатлари ҳам ниҳоятда кўп экан. Рўзнома тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида яхшигина ишлар қиляпти. Энди бу масалани чуқурроқ ёритса дейман.

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилиши яхши иш бўлди. Лекин тил ҳақидаги қонунинг рўёбга чиқиши ўртоқлар айтганидек, қийин кечяпти. Турли хил тўсиқлар учраяпти. Рўзномада ўзбек тилининг мавқеини кўтаришга оид таъсирчан материаллар кўпроқ берилишини кутамиз.

Ўзингизга маълум, Халқ демократик партияси яқиндагина тузилди. Бу партиянинг Дастурида кўзда тутилган асосий мақсад — халқ учун хизмат қилишдир. Режаларимиз яхши, аммо ана шу режаларни амалга ошириш борасидаги усул ва услубларнинг қандай бўлиши ҳақида кўпчилик аниқ тасаввурга эга эмас. Шунинг учун рўзномада айрим партия ташкилотларининг ижобий ишларини батафсил кўрсатиб берувчи, тажрибасини ёритувчи мақолалар босилса самарали ишлашимизга ёрдами теккан бўларди.

# КИМНИНГ ҚАНДАЙ АРЗИ БОР?

**Абдумутал ЭГАМҚУЛОВ,**
**Усмонобод қишлоқ матлубот жамияти раиси:**

— Ҳозир савдо ходимларини танқид қилиш таомилга айланиб боряпти. Тўғри, орамизда қийинчиликлардан фойдаланиб, шахсий бойлик орттириш йўлига ўтган савдо ходимлари ҳам бор. Лекин уларнинг ҳаммасини бир қолипга солиш инсофдан эмас

Савдо ходимларининг яхшилари, ҳаллолари, ўз ишининг усталари ҳам бор. Менимча, рўзнома ана шундай кишилар ҳақида, уларнинг тажрибаси тўғрисида материаллар берса ёмон бўлмасди. Савдодаги ишбилармонлар фаолияти, ижобий тажрибалар ёритилса биз учун фойдадан ҳоли эмас. Биз ана шу тажрибакорларнинг фаолиятлари мисолида савдо ходимларини янгича ишлашга ўргатган бўлардик.

Рўзнома ходимлари шундай жойларга чиқиб халқ фикрини эшитиб турса, мазмунан бойийди. Шу боис «Ўзбекистон овози»нинг бу қадамини қутлаймиз.

**Жўра УМАРҚУЛОВ,**
**«Сирдарё ҳақиқати» вилоят рўзномаси муҳаррири:**

— «Ўзбекистон овози» рўзномасининг меҳнаткашлар билан учрашув ўтказаётгани яхши бўлди. Шу учрашувда мен ҳам рўзномамиз жамоаси учун яхши йўналиш олдим. Биз бу рўзномадан кўп нарсаларни ўрганяпмиз. Масалан, халқимизнинг бой тарихи, маданияти, маънавий хазинаси ҳақида жуда салмоқли материаллар берилаётир. Отахон газета сифатида энг муҳими оғир, чалкаш пайтларда ҳам босиқлик билан тўғри йўлни кўрсатиб келяпти. Эсда қоладиган жиҳатлари кўп.

Аммо эътибор бериши керак бўлган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Шуни очиқ эътироф этиш керакки, ўзбек халқи байналмилал халқ, миллатчилик табиатида йўқ халқ. У бағри очиқ, меҳмондўстдир. Лекин баъзан маҳаллийчилик ҳоллари бор. Ана шу маҳаллийчилик заминида айрим вилоятларда яшовчилар ўртасида келишмовчиликлар чиқиб турибди.

Рўзнома маҳаллийчиликни йўқотишга хизмат қиладиган дўстлик, биродарликни, аҳилликни тараннум этадиган материалларни кўпроқ беришини истардим.

**Ёқубжон ШУКУРОВ,**
**маҳалла комитети котиби:**

— «Сирдарё ҳақиқати» вилоят рўзномасида фуқароларга талон бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш ҳажми ҳақида мақола эълон қилинган эди. Биз рўзномада чиққан маълумотни қонуний деб биламиз ва унинг бажарилишини зарур деб ҳисоблаймиз. Бироқ ҳозирги пайтда қишлоқ магазинларида аҳолига озиқ-овқат тарқатишда кўпгина ғирт таъзиялар бериляпти. Ҳўш, оддий меҳнаткаш халқ бундан маҳрумми? Рўзнома меҳнаткашлар овози бўлгандан кейин ҳамма унда таъзия беришга ҳақлидир.

Халқ депутатларига сайловларни ўтказиш пайтида кўпчилик депутатлар ўз дастурларида халқ учун жуда катта нарсаларни ваъда қилишганди. Лекин уларнинг кўпчилиги депутат бўлиб олганларидан кейин ваъдаларини унутишди. Менимча, депутатларнинг ўз наказларини қандай бажараётганлиги ҳақида ҳам ижобий, ҳам танқидий материалларни бериб бориш керак .

**Ботир АЛИМАТОВ**
**5- бўлим бошлиғи:**

— Бизнинг бўлимимиз хўжалик ҳудудининг чеккасида жойлашган. Водопровод йўқ. Кишилар асосан қудуқлардан сув ичишади. Баъзи қишлоқлар аҳолиси эса бундан ҳам маҳрум. Шунинг учун рўзнома қишлоқларнинг социал шароитлари ҳақида танқидий материаллар босиб, уларнинг ижобий ҳал этилишини ўз назоратига олса яхши бўларди.

**Сайдулла АБДУҚОДИРОВ,**
**Пушкин номли давлат хўжалиги директори:**

— Совхозимиз райондаги йирик хўжаликлардан бири. Бу йилги қийинчиликларга қарамай пахтакорларимиз қарийб 11 минг тонналик хирмон уйишга муваффақ бўлишди. Хўжалигимиз кўраётган фойда ҳам қилаётган меҳнатимизга яраша бўляпти. Ана шу фойданинг асосий қисмини меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга сарфлаяпмиз. Масалан, хўжаликда асфальт корхонасини қурдик, ҳозир ҳамма кўчалар асфальтланди. Болалар боғчалари тармоғини кенгайтиряпмиз. Яқинда стадион қуриб фойдаланишга топширилди. Келгуси икки йил ичида ҳамма қишлоқларни газлаштириш режаларини кўряпмиз.

Айниқса давлат хўжалиги директори Сайдулла Абдуқодиров бошлаган ташаббус — жамоада «Ўзбекистон овози» дўстлари клубини» ташкил этиш ҳақидаги мулоҳаза мамнуният билан маъқулланди.

**Дастлабки мулоқотдан таҳририят ижодий жамоаси ҳам, хўжалик меҳнаткашлари ҳам қониқиш ҳосил қилдилар. Кўпчилик ўз саволларига, таклиф ва мулоҳазасига қаноатланарли жавоб олди. Шу йиғилишдаёқ район кенгаши ва район ижроия комитети ҳамда унинг ташкилотлари раҳбарлари кишиларнинг муаммоларини ҳал этишнинг аниқ тадбирларини кўриб, уни бажаришнинг муддатларини белгилаб олдилар.**

**Мана шу тадбирлар одамларга шу ернинг ўзидаёқ эълон қилинди. Берилган саволга жавоб қайтариш ёки таклифнибажариш учун район миқёсидаги раҳбар ходимлар масъул қилиб қўйилди.**

**Маълум вақт ўтгач, ана шу масъул кишилар қилинган ишлар, белгиланган режа ва тадбирлар ҳақида район кенгаши сессиясида ҳамда хўжалик меҳнаткашлари йиғилишида ҳисоб бериб турадиган бўлишди. Зеро, масъулият ошган жойда иш ҳам яхши бўлиши табиий, албатта. Шундай экан, энди навбат — одамлар кўтарган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига. Рўзнома ҳам ўз навбатида қўйилган масалалар қандай бажарилаётганини назорат қилиб боради.**

**К. РИХСИЕВ,**
**Т. ТОШЕВ,**
**А. УМАРОВ,**
**Р. ТУРСУНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.**

## ТАҲРИРИЯТДАН:

Учрашув — «Очиқ ҳатлар куни» якунлари рўзнома жамоаси ўртасида ҳам кўрилиб, қўйилган масалаларни, айтилган фикрларни амалда рўёбга чиқариш режалари белгиланди.



1. БОЕВУТликлар самарали меҳнатдан сўнг кўнгилли дам олишни ҳам яхши уюштира биладилар. Бу ерда тез-тез санъаткорлар, полвонлар, цирк усталари ташриф буюриши чўлқуварларни хушнуд этиб турадн.



2. РАЙОН меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез кўчма савдо уюштириш ҳам яхши анъанага айланиб қолди.

3. ҚИШ кунлари тўй-томошалар, байрамлар ўзбек халқининг азалий удуми — улоқсиз ўтмайди.

Р. ЖАППАРОВ олган сурат.

## «ХАБАРНОМА»

Республика Президенти идорасининг ўзбек ва рус тилларида чиқадиган нашри — «Хабарнома»нинг иккинчи сони босмадан чиқди. Ундан мустақил Ўзбекистон давлати бошлиғи чиқарган фармонлар, қарорлар, мурожаатлар ҳамда баёнотлар, И. А. Каримовга йўлланган телеграммалар ва хатлар, шунингдек унинг номидан турли манзилларга жўнатилган телеграммалар ва хатлар, Президентнинг бу йилги фаолиятига алоқадор бошқа ҳужжатлар ўрин олган.

«Азиз дўстлар, юртдошлар! Қадимий ва навқирон шарқ халқлари учун табаррук ва мўътабар бўлмиш Наврўз байрами билан чин қалбимдан мубораклаб этаман...». «Хабарнома» республикада халқ байрами — Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Фармон ҳамда ана шу мурожаатнома билан очилади.

«Келинг, дўстлар, кимда қандай гина-аламлар бўлмасин — унутайлик. Шафқат ва меҳрибонлик кўрсатайлик, ким қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, орамизда ҳаҳиллик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамлансин... Наврўз байрами юртимизга, халқимизга, ҳар қайси оилага бахт-саодат, тинчлик, бардамлик, осойишталиқ келтирсин». Улкамизга қайтадан ташриф буюрган баҳор муносабати билан айтилган бу яхши ниятлар Республика бошлиғи кундалик кўп қиррали фаолиятини, унинг Ўзбекистон халқи ва ҳар бир оиласи фаровонлигини таъминлаш мақсадида собитқадамлик билан олиб бораётган ишларини акс эттирувчи хабарномадаги тўпланган ҳужжатларнинг ўзига хос муқаддимаси ҳисобланади.

«Хабарномада» Президентнинг бошқа мустақил давлатлар бошлиқлари билан ўтказган учрашувлари, бу учрашувларда тузилган шартномалар ва битимлар батафсил ёритилган.

Ўрта Осиё минтақасидаги беш республика раҳбарларининг июнь ойида Олмаота учрашувида қабул қилинган қўшма баёноти, уларнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон халқларига мурожаати, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида у ерда қабул қилинган битим босиб чиқарилган.

Бу йил Ўзбекистонга келган ва Президент қабул қилган хорижий меҳмонлар тўғрисидаги ахборот ҳам «Хабарнома» дан ўрин олган.

И. А. Каримов «Аргументи и факти» ҳафтаномасининг мухбири билан суҳбатлашиб, ўз мақсадларини батафсил баён этган ва бу суҳбатни ҳафтанома босиб чиқарган эди. «Тўла иқтисодий эркинлик шароитида қатъий тартиб» сарлавҳали бу суҳбат ҳам «Хабарнома»дан ўрин эгаллаган.

Жиғаристон қишлоғи ҳудудида кўчки тушиши ва ана шу фожиа оқибатларини тугатишга алоқадор материаллар алоҳида туркумни ташкил этган.

(ЎзТАГ).

## ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

### • Хорижда

● НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатларга расмий ташриф буюрган РСФСР Ташқи ишлар вазири Андрей Козиревнинг хабар қилишича, у АҚШ Президенти Ж. Буш билан учрашувда Россия раҳбарияти ҳозирги стратегиясининг асосий қоидаларини баён этиб берди. Жумладан, ҳозирги қийин пайтда Россияда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гапирди. «Нималар бўлаётганини Қўшма Штатлар билишини хоҳлаймиз ва Президентнинг билдирган фикридан мен жуда мамнун бўлдим», — деди Россия ташқи сиёсат маҳкамасининг бошлиғи бугун Си—Эн—Эн телекомпаниясининг мухбири билан суҳбатда.

● ВАШИНГТОН. «Қўшма Штатлар ҳукумати Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги муносабатларда вужудга келган вазиятдан жуда ташвишланмоқда», — деди чоршанба куни АҚШ давлат департаментида журналистлар билан суҳбатда унинг расмий вакили Маргарет Татуайлер. Қўшма Штатлар, деб таъкидлади у, «бу минтақада давом этаётган зўравонликни қоралайди ва иккала республика ҳукуматларини барча томонларнинг манфаатларини назарда тутиб, можаронн тинч мулоқот йўли билан бартараф этишга чақиради».

«ТАНИШУВ».

О. АДИЯНОВ сурат-лавҳаси.

● САН—ФРАНЦИСКО. Калифорниядаги «Монтгомери Секьюритиз» фирмаси Совет Иттифоқида АҚШ акцияларини сота бошлаган Қўшма Штатларнинг биринчи воситачи компанияси бўлди. «Монтгомери Секьюритиз» компаниясининг директори Сет Герш ТАСС мухбири билан суҳбатда шуни маълум қилди.

«Бу нарса совет кишилари учун чет элга бормай ва хорижий банкларда ҳисоб варақаларини очмай туриб ўз пулларини чет эл бизнесига сарфлаш ва шунинг эвазига даромад олиш соҳасидаги биринчи тажриба бўлади, — деди Герш.— Бизнинг фикримизча, бу иш Совет Иттифоқи молиявий бозорининг қарор топиш жараёнини анча жадаллаштириши мумкин».

● ЛОНДОН. Шарқий Европа мамлакатларига, жумладан СССРга ёрдам кўрсатиш учун тузилган Европа реконструкциялаш ва тараққиёт банки сешанба куни Совет Иттифоқида иккита йирик лойиҳани маблағ билан таъминлаш учун қарз берилишини эълон қилди.

Хабар қилинишича, Европа реконструкциялаш ва тараққиёт банки Америкадаги «Паркер Дриллинг компани» уюшмасининг бўлимларидан бирига 12,5 миллион доллар қарз беради. Бу бўлим Ғарбий Сибирда учта нефть минорасини қуришга киришади ва «Уайт Найтс Жойнт Энтерпрайзес» Совет—Америка қўшма корхонаси билан тузилган битим шартлари асосида ана шу иншоотлардан фойдаланади.

● ТОКИО. Совет Иттифоқи Жанубий Кореяга 1992 йилдан бошлаб бож назорати соҳасида кўпроқ қулайлик беради. Сеулга ташриф буюрган СССР божхоналари комитети раиси Николай Ермаков журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

Н. Ермаковнинг сўзларига қараганда, СССРга олиб бориладиган Жанубий Корея молларига нисбатан уларнинг Совет Иттифоқи ҳудудига ўтиш тартибини соддалаштириш мақсадида «Дастлабки божхона кўриги» тизими жорий этилади. Бунинг учун Жанубий Корея фирмаси тимсолида махсус ходим белгиланиши назарда тутилмоқда. У ўз мамлакати портларида юклар СССРга жўнатилиши олдидан бевосита божхона назорати ўрнатиш вазифасини зиммасига олади. Ана шу вазифа билан боғлиқ барча расмий ишлар яқин ой мобайнида бажарилиши кутилмоқда.



● ҚАМАШИ ноҳиясида ҳашар йўли билан бунёд этилган 20 минг кишига мўлжалланган ўйингоҳ очилди. Бу ерда ноҳия қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг бу йилги иш якуни бўйича Ҳосил байрами ўтказилиши ҳам катта воқеа бўлди.

Қамашиликлар жорий йилда пахта тайёрлаш режасини 104 фоизга бажардилар, маҳсулотларни етиштириш режаларини ҳам ортиғи билан адо этдилар.

**Ж. ТИЛЛАЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: ҳосил байрамидан лавҳалар.**
**С. Педуненко** олган суратлар.

# ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

## • *Андижон театрининг 70 йиллигига*

Йўлдош Охунбобоев номдаги театримизнинг биринчи пардасини 1921 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий очган эди. Театр дастлаб труппа сифатида иш бошлади. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Фарғона фожиаси», «Ким тўғри» асарлари шу ерда саҳнага қўйилди.

Театр фаолияти йил сайин жонланиб борди. Мирзажон Каримов, Сайфи Зиёев ҳамда Ўзбекистон халқ артистлари Абдуваҳоб Азимов, Қосимжон Охунов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдусамат Воҳидов ва бошқалар театр равнақида жонбозлик кўрсатишди.

1928 йилда жамоага катта куч келиб қўшилди. Муҳиддин Қори Ёқубов ўз шогирдлари Тамарахоним ва Гавҳархоним Раҳимова билан бу ерга ишга келди. У мазкур театрга директор этиб тайинлангач, Қўқон театри тарқатилди. Лутфихоним Саримсоқова, Мурод Йўлдошев, Соҳиб Хўжаев, Ўмар Абдуллаев, Расулжон Султонов, Мадаминбек Баҳодировлар ҳам шу театрда ўз санъатларини намоён эта бошладилар. Худди ўша вақтларда театр режиссёри Исҳоқ Қори Каримов Москвада ўқишда эди. У қайтгач, театрда ижодий иш қизиди. Боку театр студиясида ўқиб қайтганлардан Ҳалима Носирова, актёр ва режиссёрлардан Тожизода, Мукаррама Азизовалар ҳам театрга қабул қилиндилар. Талантли бастакор Тўхтасин Жалилов мусиқа раҳбари, Комил Яшин эса адабий эмакдош сифатида иш бошлади. Ўзбек намуна театрининг режиссёрларидан Исҳоқ Иляев ва бадиий раҳбар Музаффар Муҳамедов театрга ишга таклиф этилди.

Худди шу давр театрни камолот чўққисига кўтарди. Чунки ижодий жамоа кучли эди. Театрга ҳақиқий санъат фидойилари тўпланган эдилар. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳалима» сингари асарлар саҳналаштирилди. Театрнинг довруғи бутун жумҳурият узра таралди. «Аршин мол-олон», «Маликаи Турандот», «Икки бойга бир малай», «Уйланиш», «Шторм» сингари мумтоз асарларнинг саҳналаштирилиши эса, театр довруғига довруғ қўшди.

Театрнинг ижодий босқич йўллари гоҳ равон, гоҳ сўқмоқли эди. Равон йўллардан ўтаётганда муваффақиятлардан эсанкирамади. Сўқмоқлардан ўтаётганда ирода ва бардошга суянди.

Ўттизинчи йилларда театрга Хадича Аминова, Аббос Бакиров, Умрихон Қосимова, Шаҳодат Раҳимова, Акбар Раҳимов, Нўъмон Муродов, Айсар Иброҳимов, Елизавета Ильяева, Машрабжон Юнусов, Жалил Раҳимов, Ҳайдар Сатторов каби санъаткорлар келдилар.

Театр ва унинг жамоаси йил сайин ўса борди, СССР халқ артисти, Ҳамза мукофотининг лауреати Аббос Бакиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Гумар Исмагилов режиссёрлик қилдилар. Мукимжон Ҳабибов мусиқа раҳбари сифатида катта ижодий иш билан шуғулландилар. Бастакор Мирзажон Тиллаевнинг театрдаги ўрни, айниқса, катта. Ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган Мирзажон ака театрга келиб туради. Болаларидай бўлиб қолган ва ишларини давом эттираётган санъаткорлар билан ҳамсуҳбат бўлади.

Ҳозирги кунда театримизда катта ижодий куч мавжуд. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқдамиз. Санъаткорларимиз театрнинг етмиш йиллик юбилейини нишонлашар эканлар, ўзлари билан бир сафда ишлаган режиссёрлар — Мирзакарим Бобоев, Неъматжон Шомуродов, Маннон Ҳамидов, Собиржон Йўлдошев ва бошқа фидоий инсонларнинг хизматларини асло унутмайдилар. Улар билан мулоқотда бўлиб туриш эса бизга қувонч бахш этади.

Бугунги кунда театрда олти нафар Ўзбекистон халқ артисти, уч нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, икки нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ва ўнлаб иқтидорли санъаткорлар ғайрат билан ижод қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири театр учун бир оламдир. Ўзбекистон халқ артистлари — Қамара Бурнашева, Малоҳат Исоқова, Азиза Аминова, Маърифат Убайдуллаева, Ғуломжон Ҳожиқулов, Ҳошимжон Олимжоновлар ёшларнинг меҳрибон мураббийларидир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Мавлуда Бойматова, Саидаҳрор Улуғов, Обиджон Саидбурхоновлар саҳна усталари бўлиб эл-юртга танилдилар.

Сафимиз навқирон ва истеъдодли кучлар билан тобора мустаҳкамланиб бораётганидан фахрланамиз. Шарофат Тожибоева, Мухтасар Йўлдошева, Зарифа Ҳайдарова, Ҳосият Ҳусанова, Шавкат Турғунов, Комилжон Мамажонов, Ҳабибулло Юнусов ва бошқа шу каби ёшларимиз театрнинг келажагидир.

Шундай баркамол ижодий кучларимиз кучи билан бир нечта янги асар саҳналаштирилди. Жаҳон мумтоз драматургияси билан бир қаторда замонавий асарлар устида қизғин ижодий иш олиб борилди. Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир», «Ричард Ш» фожиалари, Ҳошимжон Раззоқнинг «Нодира», Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра», Тўфон Миннулиннинг «Алла», Абдулла Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Абдулла Жабборнинг «Чорраҳа» ва бошқа саҳна асарлари шулар жумласидандир. Уларда театрнинг деярли барча ижодий ходимлари иштирок этдилар.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, театр маҳаллий драматурглар билан изчил ижодий мулоқотда бўлиб келяпти. Уларнинг кўплаб асарлари саҳналаштирилди. Раҳбар Файзибоеванинг «Меҳрга зор-интизор», «Инсон азиз», «Дийдор»; Заҳриддин Муҳиддиновнинг «Умр эгови», «Бобур», «Юракдаги тош», Абдураҳим Абдуназаровнинг «Олмос қилич» драмалари шулар жумласидандир. Маҳаллий драматург Облоқул Эгамовнинг «Кампирга совчи келди» комедияси ҳақида алоҳида гапирмоқ лозим. Бу асар театрнинг ҳақиқий мулкига айланиб қолди.

Театрнинг 70 йиллигига атаб «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқали драмаси саҳнага қўйилди. «Алла» спектакли ҳам юбилейимизга бағишланди. Яқинда эса Назиржон Раҳимовнинг «Ҳангома» комедияси саҳнага қўйилди.

Ҳа, театримиз жамоаси ўзининг қутлуғ тўйига муносиб совғалар, изланишлар, энг муҳими, ёруғ юз билан келди. Лекин бу — фаолиятимизда камчиликлар бўлмади, томошабинлар талабини ҳамма вақт бирдай юксак даражада бажариб келдик, дегани эмас. Ўтган йиллар сабоқлари бизни янада сифатли, янада фаол ишлашга ундайди. Халқ хизматида бўлишдек шарафли вазифага, унинг даъватига биноан мухлисларимизни давр муаммоларини ўртага ташлаган спектакллар билан хурсанд этишимиз керак. Мустақилликнинг ҳаётбахш имкониятлари олдида биз, санъатчилар ҳам бурчлимиз.

**Ж. ТОШХЎЖАЕВ,**
**театр бадиий раҳбари ва директори.**

## • *Маданият янгиликлари*

# КУТУБХОНАДА ТАДБИР

● БУХОРО вилоятининг Ғиждувон районидаги марказий кутубхонада ўқувчиларни жалб этишнинг қизиқ услубини ўйлаб топдилар. Кимда-ким кўпроқ китоб ўқиса, унга омад кулиб боқади: улар пул мукофотлари ва турли хилдаги эсдалик совғаларини оладилар.

Моддий рағбатлантириш ўз таъсирини кўрсатди — токчаларда чанг босиб ётган жаҳон адабиёти мумтозларининг асарлари эндиликда қўлдан-қўлга ўтмоқда. Кутубхонага аъзо бўлганлар сони ҳам 500 кишига кўпайди.

Марказий кутубхонада район «Китобхон» жамияти билан биргаликда «Мўъжизалар майдони» деб аталган ажойиб ўйин ўтказишмоқда. Ўйиндаги турли-туман топишмоқлар, қизиқарли саволлар китобхонлар ўқиган ва севиб қолган романлар ҳамда қиссалар, ҳикоялар ҳамда достонларнинг саҳифаларидан олинган воқеалар асосида тузилади. У ёки бу китобнинг бош қаҳрамонлари, машҳур ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида саволлар берилади. Бундай асарлардан воқиф бўлган ўқувчиларгина тўғри жавоб топа оладилар.

# СПОРТ

**КУЧЛИЛАР САРАЛАНМОҚДА**

● ФУТБОЛ бўйича мамлакат кубогининг нимчорак финал учрашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. «Пахтакор» футболчилари ҳам астойдил ҳаракат қилишди. Маълумки улар биринчи учрашувни дуранг (1:1) қилишган эди. Пойтахт армиячилари билан сафар учрашувида эса ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганда майдон эгалари киритган тўп пахтакорчиларнинг чорак финалга чиқиш йўлига ғов солди. Ваҳолонки, учрашувнинг иккинчи қисми мобайнида 2:2 ҳисоби ушлаб турилди. Ўйин шу тахлитда тугаганида пахтакорчилар икки учрашув ҳисоби бўйича чорак финалга чиқишарди. Зеро, армиячилар (3:2) ютишди. Тўпларни Сергеев, Брошин, Қосимов ва Мақсудовлар дарвозага йўллашди. «Черноморец» — «Шахтёр» учрашувлари 2:0, 0:2 ҳисобида тугади. 11 метрли жарима тўплари тепиш бўйича одессаликлар кучлилар сафига қўшилишди. Шунингдек, «Металлист» ва «Спартак» (М) жамоалари ҳам курашни давом эттирадиган бўлдилар.

## • *ИБН СИНО МАДАДИ*

# ЗИЁ БАХШ ЭТИБ

**Республика шифокорлар малакасини ошириш илмгоҳининг кўз касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Холидбек Комилов яқинда ибратли ташаббусни бошлади.**

Комиловлар сулоласининг муносиб давомчиси бўлган Холидбек Фарғона водийсидаги кўз касалликлари шифокорлари учун Андижон вилоятида бир ойлик кўчма малака ошириш машғулотларини ташкил этди. Бу машғулотлар асосан глаукома касаллигини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга бағишланди.

Назарий ва амалий машғулотлар Андижон вилояти шифохонаси кўз касалликлари бўлимида олиб борилади. Профессор Х. Комилов ўз машғулотларида глаукома хасталиги билан шифохонага тушган беморларни текшириш, таҳлил қилиш билан бирга даволаш йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Тингловчилар кўз ички суюқлиги ҳаракати, кўз ички босимининг ошиб кетиш сабаблари, глаукома хасталигининг дастлабки белгилари, хасталикни аниқлашда янги, замонавий усулларнинг қўлланиши, даволашда қўлланилаётган янги жарроҳлик усуллари, янги дори-дармонларнинг самараси, хасталикнинг олдини олиш чоралари тўғрисида назарий ва амалий билим ва тажрибага эга бўлдилар.

Айни вақтда кўз касалликлари илмий жамиятларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Мажлисда кўз касалликлари шифокорлари томонидан қўлланилаётган янги текшириш усуллари, даволаш ва жарроҳлик натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиниб, ижобий баҳоланди ҳамда зарурий тавсиялар берилди.

— Профессор Х. Комилов бошчилигида кўчма машғулотлар туркумининг Андижонда ўтказилиши биз шифокорлар учун катта ёрдам бўлди, — деди биз билан суҳбатда Андижон тиббиёт олий билимгоҳи кўз касалликлари кафедрасининг мудири Х. Абдухолиқов. — Биз жуда кўп янгиликларни ўргандик. Шифокор бизнинг кўз олдимизда мураккаб жарроҳлик усулларини қўлланган ҳолда ўнлаб беморларни даволади, юзлаб беморларга маслаҳат ва тавсиялар берди. Беморлар профессор Х. Комилов ва унинг сафдошлари меҳнатларидан миннатдор бўлдилар.

**Т. РАСУЛОВ.**

# ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

# ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИДАН

**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўзбекистон ҚХФАнинг фахрий академиги, ҳақиқий аъзолиги академиги ва мухбир аъзолигига номзодлар рўйхатини эълон қилмоқда. Улар илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналари ва ташкилотлари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси раёсатининг «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» рўзномаларида 1991 йил 10 ва 17 октябрда босилиб чиққан хабарномасига асосан кўрсатилган.**

### ЎЗБЕКИСТОН ҚХФАНИНГ ФАХРИЙ АКАДЕМИКЛИГИГА НОМЗОДЛАР

**Исматов** Маҳмуд — Ўзбекистон Республикаси колхозлари деҳқонлар кенгашининг раиси, Тошкент вилоятининг Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

**Мадримов** Абдушариф — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Хоразм вилоятининг Хива районидаги Фрунзе номли колхоз раиси.

**Мамажонов** Ҳамидхон — Ўзбекистон Республикаси Колхозлар кенгашининг раиси, Наманган вилоятининг Наманган районидаги «Ленинград» колхози раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

**Сулаймонов** Пўлат — Бухоро вилоятининг Конимех районидаги «Шофиркон» совхози директори, СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚХФАНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗОЛИГИ (АКАДЕМИКЛИК)ГА НОМЗОДЛАР

**ПАХТАЧИЛИК, УСИМЛИКШУНОСЛИК ВА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК БЎЛИМИ**

**Ғўзани парваришлаш технологияси**

**Аҳмаджонов** Маматхон Аҳмаджонович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Зокиров** Абил — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Ғўза селекцияси ва генетикаси**

**Абдуллаев**, Абдумавлон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

**Жалилов** Остон — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

**Иброҳимов** Шукур — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

**Семонгулян** Наталия Григорьевна — биология фанлари доктори, профессор.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК, МЕЛИОРАЦИЯ, СУҒОРИШ, УСИМЛИКЛАРНИ КИМЁЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**Пахтачиликни кимёлаш**

**Зокиров** Тожиддин Солижонович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Искандаров** Саъдулла — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

**Қодиров** Чингиз Шокирович — кимё фанлари доктори, профессор.

**Пирохунов** Тешабой — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Усимликларни ҳимоя қилиш (биологик усул)**

**Алимуҳамедов** Султон Нурматович — ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.

**Гидротехника ва агромелиорация**

**Беспалов** Николай Федорович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Ҳамроев** Нажим Раҳимович — ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ БЎЛИМИ**

**Автотрактор двигателларининг тежамлилигини ошириш**

**Салимов** Оқил Умрзоқович —техника фанлари доктори.

**Ўғитлашни механизациялаш**

**Тожиев** Абдумуталиб Тожиевич — техника фанлари доктори, профессор.

**Қишлоқ хўжалиги транспорти**

**Рашидов** Носир Рашидович — ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.

**Қишлоқ хўжалиги машиналари конструкцияларини таъмирлаш технологияси ва уларга хизмат кўрсатиш**

**Қодиров** Сарвар Муқодирович — техника фанлари доктори, профессор.

**Йўлдошев** Шукрулло Убайдуллаевич — техника фанлари доктори, профессор.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Пахтачиликда деҳқончилик-саноат интеграцияси**

**Санаев** Нурулло Сулаймонович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Цамутали** Александр Сергеевич — ВАСХНИЛ мухбир аъзоси.

**Деҳқончилик-саноат мажмуида нарх-навони белгилаш**

**Қаюмов** Фаварис Қодирович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Носиров** Пўлатжон Хайруллаевич — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Деҳқончилик-саноат мажмуининг ресурс имкониятларидан фойдаланиш**

**Жўраев** Фрунзе — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Медетуллаев** Жарилкаган — иқтисод фанлари доктори.

**Деҳқончилик-саноат мажмуини математик моделлаштириш**

**Ғуломов** Саидаҳрор Саидаҳмедович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодиёти ва уни ташкил этиш**

**Акрамов** Эргаш Акромович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Қодиров** Абдусатторхўжа — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ларин** Иван Семёнович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ҳусанов** Муртазоқул — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Шайхов** Эркин Турдиевич — профессор.

### ЎЗБЕКИСТОН ҚХФА МУХБИР АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАР

**ПАХТАЧИЛИК, УСИМЛИКШУНОСЛИК ВА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК БЎЛИМИ**

**Ғўзани парваришлаш технологияси**

**Мамадалиев** Абдураим Худойбердиевич — профессор.

**Ғўза селекцияси ва генетикаси**

**Турсунов** Ҳусан Зиёевич — техника фанлари доктори.

**Узоқов** Йўлдош — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

**Ғўзанинг сув режими**

**Самиев** Ҳотам — биология фанлари доктори.

**Чигит физиологияси ва биокимёси**

**Азимов** Рашид — биология фанлари доктори, профессор.

**Валихонов** Муқсим Набихонович — биология фанлари доктори, профессор.

**Раҳмонқулов** Саидакбар — биология фанлари доктори, профессор.

**Шодмонов** Рустам Қулмуродович — биология фанлари доктори.

**Картошка селекцияси ва уруғчилиги**

**Абдуқаримов** Диамат Тўхтаевич — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Озуқа етиштириш**

**Массино** Игорь Всеволодович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Тошпўлатов** Жамолдин — биология фанлари доктори.

**Ҳамдамов** Искандар — биология фанлари доктори, профессор.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК, МЕЛИОРАЦИЯ, СУҒОРИШ, КИМЁЛАШ ВА УСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

**Гидротехника ва агромелиорация**

**Духовний** Виктор Абрамович — техника фанлари доктори.

**Комилов** Ориф Комилович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Рамазонов** Обид — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Агроўрмончилик мелиорацияси**

**Сагитов** Сарсенғали Исмоилович — биология фанлари доктори.

**Хоназаров** Абдушукур Абдухалилович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

**Усимликларни ҳимоя қилиш (биологик усул)**

**Авазхўжаев** Мажид Ҳожимуродович — биология фанлари доктори, профессор.

**Кимсанбоев** Хўжамурод Ҳамроқулович — биология фанлари доктори, профессор.

**Урунов** Илғор Саидович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Шомуротов** Генжемурот Шомуротович — биология фанлари доктори, профессор.

**Агрокимё**

**Ҳамроев** Маҳаммад Баҳронович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

**Ҳошимов** Фарҳод Ҳакимович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Деҳқончилик**

**Мамбетназаров** Бисенбой Сатназарович — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

**Орипов** Раззоқ — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Тупроқнинг сувдан нураши**

**Мақсудов** Ҳодимат Мақсудович — биология фанлари доктори, профессор.

**Ҳамдамов** Ҳамроқул — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Тупроқнинг шамолдан нураши**

**Мирзажонов** Қирғизбой — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**ЧОРВАЧИЛИК, ВЕТЕРИНАРИЯ ВА МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ БЎЛИМИ**

**Қорамолчилик**

**Икромов** Талъат — биология фанлари доктори, профессор.

**Карибоев** Куденбой — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Носиров** Убайдулла Насруллаевич — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Тўрақулов** Зубайдулла — қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

**Ҳидиров** Имомназар — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Шодмонов** Серго Иброҳимович — биология фанлари доктори, профессор.

**Қоракўлчилик**

**Валиев** Рафиқ — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Назаров** Шарип — кимё фанлари доктори, профессор.

**Ипак қурти селекцияси ва генетикаси**

**Насриллаев** Убайдулла Насриллаевич — қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

**Ветеринария**

**Аминжонов** Мираббос — ветеринария фанлари доктори.

**Зарипов** Багриддин — биология фанлари доктори, профессор.

**Ибодуллаев** Фатулло — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Избосаров** Унғар Қаҳҳорович — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Орипов** Анвар Орипович — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Пармонов** Маматкарим Пармонович — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Рўзимуродов** Аҳрор — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Салимов** Бўри — ветеринария фанлари доктори, профессор.

**Салимов** Ҳаит Салимович — ветеринария фанлари доктори.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ БЎЛИМИ**

**Қишлоқ хўжалиги машиналари аппаратларини осиш механикаси**

**Матчонов** Рафиқ Дўстчонович — техника фанлари доктори, профессор.

**Муродов** Мустафо — техника фанлари доктори, профессор.

**Садриддинов** Азмиддин — техника фанлари доктори, профессор.

**ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ**

**Деҳқончилик-саноат мажмуини математик моделлаштириш**

**Абдалимов** Болтош — физика-математика фанлари доктори, профессор.

**Зиёдуллаев** Наби Саидкаримович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Қосимов** Саидаҳрол Маъруфович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Раҳимов** Шавқат Хударгенович — техника фанлари доктори, профессор.

**Шодиев** Турсун — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Пахтачиликни кимёлаш иқтисодиёти**

**Ҳасанжонов** Қобилжон Аҳмаджонович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши иқтисодиёти ва уни ташкил этиш**

**Абдуғаниев** Абдулатиф — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Абдуллаев** Раит Самиғович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Исмоилов** Абдураҳмон Қурбоналиевич — иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Ризаев** Мирзааҳмад Тошпўлатович — иқтисод фанлари доктори.

**Ҳусанов** Расулмат Ҳусанович — иқтисод фанлари доктори, профессор.

* * *

**Ўзбекистон ҚХФАнинг фахрий академиклигига, ҳақиқий аъзолигига (академикликка) ва мухбир аъзолигига кўрсатилган номзодлар ҳақидаги баҳоларингиз, фикр-мулоҳазаларингизни ушбу хабарнома босилганидан эътиборан ўн беш кун мобайнида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси раёсатига юборишингиз сўралади. Академия қўнимгоҳи: 700078, Тошкент, Парадлар хиёбони, 5.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисод институти жамоаси жумҳурият Фанлар академиясининг вице-президенти академик И. Искандаровга отаси

**Искандар МУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар давлат қўмитасининг республика радиоси «Сўнгги ахборот» Бош муҳарририятининг муҳаррири Муҳаббат Абдураҳмон қизига онаси

**Анзират Отин ҲАЙДАР қизининг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси республика радиосининг қишлоқ хўжалик эшиттиришлар бош муҳарририяти катта муҳаррири К. Ҳайдаровга онаси

**Ойтўра ХАМРАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Жумҳурият ойнаи-жаҳон жамоаси сиёсий-иқтисодий кўрсатувлари ижодий бирлашмаси катта муҳаррири А. Ҳолтоевга укаси

**Неъматила МИРЗААҲМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121.

№ 231.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—20.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. —1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.